

Хунар бўлса
қўлингда,
Нон топилар
йўлингда.

Ўзбек халқ мақоли.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqq boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 2-iyun, shanba № 44 (8485)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қуrolли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юр்தларига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўзгартирилиб, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мута-

хассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо улар учун имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентларнинг республикадаги бошқа олий ўқув юр்தларига қабул қилиш тўғрисидаги аризалари, тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республика-

си таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Бунда абитуриент танлаган бошқа олий ўқув юр்தларига қабул қилиш тасдиқланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёзлар бўйича белгиланган қўшимча баллни ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамаси 2012 йилнинг 10 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни, ушбу қарорнинг 1-бандида баён этилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао-нинг таклифига биноан 2012 йил 5-6 июнь кунлари расмий ташриф билан Хитойда бўлади.

Хитой раҳбарияти билан учрашув ва музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6-7 июнь кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги Саммити ишида иштирок этади.

Kelajak ovozi

КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚЛАР

бетакрор
юртимизни обод
этажак

Тоғ бағридаги сойликдан бирор тоштин ногоҳ жойидан силжитиб, мудраб ётган булоқнинг кўз очишига сабаб бўлишингиз мумкин. Яшнатиш ва яшартиришдек буюк кучга қодир чашма эса бутун водийга яшиллик ато этади, мингминглаб гиёҳу жонзотларга ҳаёт бағишлайди. Қалби ғайратуши жоатга тўла янги истеъдоднинг «кўз очиш»и ҳам шунга ўхшайди. Зеро, эзгулик камарини белига маҳкам болаган инсон ўз ҳаёти давомида, улкан бунёдкорликлар муаллифига айланиши шубҳасиз.

(Давоми 7-бетда.)

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН БАХТИЁР ДИЛЛАР

«Туркистон» саройида «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Болалар ва oilаларни қўлаб-қувватлаш ассоциацияси сингари ташкилотлар томонидан ташкил этилган мазкур байрам тадбирига меҳрибонлик уйлариининг тарбияланувчилари, ижтимоий кўмакка муҳтож oilалар фарзандлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон омили устуворлигини таъминлаш, халқимизни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кенг қўламли эзгу ишлар ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш, уларга пухта билим бериш, ўз қизиқиши, лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ТАШТИҚ
ВАРАҲАТЛАНДИ

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР
КИМЛАРГА НАСИБ ЭТДИ?

3-бет

ҚИЗЛАР —
ТАЪЛИМНИНГ КЕЙИНГИ
БОСҚИЧИГА

5-бет

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР
МУҲОФАЗАСИ ЙУПИДА

8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республиканинг олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар бериш чоғида тегишли тартиб ўрнатилиши учун

шахсан жавобгар эканликлари, тавсияномалар жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори натижаларга, зарур билим даражасига эга бўлган муносиб номзодларгагина берилишини назарда тутишлари кераклиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий

хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-

ридаги Давлат тест маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: қонун ҳужжатларига ўшбу ҳужжатдан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; идоровий норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.А.Мухитдинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2012 йил 31 май

И.КАРИМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар хорижда намуна сифатида эътироф этилмоқда. Ўқувчи-ёшларга чуқур билим бериш билан бирга улар саломатлигини асраб-авайлаш, маънавийтини ва ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласига устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда.

«Sen yolg'iz emassan» Respublika jamoatchilik bolalar jamg'armasi Вазирлиги кенгаши раиси Л.Каримова-Тиллаева «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиз-

қўриқдан ўтказилмоқда. Зарур ҳолларда уларга тезкор тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Мехрибонлик уйларидаги ижтимоий-педагогик-психологик хизматни такомиллаштириш, болаларга ватанпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳалоллик фазилатларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жиҳатлар «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасидаги тадбирларда яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандларига совғалар топширилмоқда. Янги спорт мажмуалари, соғломлаштириш марказлари ишга туширилмоқда. Кўрик-танловлар,

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН БАХТИЁР ДИЛЛАР



да ёш оилалар, уларнинг фарзандларига алоҳида ғамхўрлик ва эътиборни кўчайтириш, оила, маҳалла, таълим масканлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир ишлар кўлами янада кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

«Sen yolg'iz emassan» Respublika jamoatchilik bolalar jamg'armasi болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини аниқ ва манзилли ҳимоялаш, уларнинг касб-ҳунар танлаши, иқтидорини намойён этиши, таълимнинг келгуси bosqichida ўқишни davom ettirishiga oid dolzarb масалаларда фаол иштирок этмоқда. Жамғарма томонидан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар мураккаб тақдирли болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига яқиндан кўмаклашишга хизмат қилмоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида болалар тиббий

концертлар, қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақалари, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар байрамга янада кўтаринкилик бахш этмоқда. Буларнинг барчаси миллиати, ижтимоий, тиббий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қиз жамиятимизнинг меҳр ва ардоғида эканининг яққол ифодасидир.

— Ҳафталик тадбирлари юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтмоқда, — дейди Тошкент шаҳридаги 30-Мехрибонлик уйи директори Гулнора Ҳабирхонова. — Болалар маданият, санъат, илм-фаннинг турли йўналишлари, ҳуқуқшуносликка оид қизиқарли маълумотларга эга бўлмоқдалар. Турли ижодий танловлар, спорт мусобақалари, кўргазмаларда фаол қатнашмоқдалар. Мехрибонлик уйлари, махсус интернатларга совғалар топширилмоқда. Бу болаларнинг кўнглини кўтариб, уларга катта шоду хуррамлик бағишляпти.

«Туркистон» саройининг ёзги сахнаси камалакранг чироқлар, турфа гуллар билан безатилган. Болалар бадий жамоалари томонидан бири-биридан қувноқ, шўх куй-қўшиқлар, жўшқин рақслар ижро этилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар ижодий жамоалари иштирокидаги катта концерт уларга байрамона кайфият бағишляпти.

Назозат Усмонова,

ЎЗА мухбири

О.МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

"МУТАХАССИСЛИГИНГ — СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ"

Қарши тиббиёт коллежида шу мавзуда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Очiq эшиклар куни» доирасида ўтказилган мазкур анжуманда коллежнинг 14та кафедраси ва кафедралар томонидан ташкил этилган 40дан ортиқ тўғарак аъзолари фаол иштирокчи бўлишди. Улар ўзлари тайёрлаб келган стенд, альбом, мақола, дарс ишланмалари ҳамда тўғарак фоллиотига оид кўргазмаларни намойиш этдилар. Кўргазмани шаҳардаги маҳалла фоллари, ота-оналар, 9-синф битирувчилари ҳамда тиббиёт муассасалари раҳбарлари қизиқиб томоша қилишди.

— Ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришда бундай илмий-амалий анжуманнинг аҳамияти жуда катта, — дейди коллежнинг стоматология ва умумий касбий фанлар кафедраси мудири Мохира Хўжаева. — Дарсдан сўнг бўлажак мутахассислар тўғарак машғулотларида фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса, «Дельта-сервис» тўғарагига ёшларнинг қизиқиши жуда катта. Унда 70 нафар ўғил-қиз қатнашиб, касб сир-асрорларини ўрганишмоқда. Бундан ташқари, «Ёш анатом» тўғарагига 90 нафар ўқувчи жалб қилинган.

Стоматология йўналишида ташкил этилган «Дельта-сервис» тўғараги аъзолари металл эритиш, ундан тиш қуйиш ҳамда юпка металдан тиш ясаш ва устини ниқоблаш каби ишларни моҳирлик билан урдалашарди. Уларнинг бу касбни нечоғли ўзлаштираётгани хатти-ҳаракатидан сезилиб турарди...

Эътиборлиси, илмий-амалий анжуманда тўғараклар фа-

олияти ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Касбий таълим йўналишида ташкил этилган акушерлик кафедрасининг «Мехрибон дон» тўғараги кўргазмалари қуроллар санитария-гигиена кафедрасининг «Ёш гигиенист» тўғараги «Энг сифатли макет», стоматология ва умумий касбий фанлар кафедрасининг «Дельта сервис» тўғараги «Энг яхши амалий иш устаси», ҳамширалик иши кафедрасининг «Ҳамшира» тўғараги «Энг сифатли альбом», доришунослик кафедрасининг «Ёш доришунос» тўғараги «Энг сифатли стенд» номинацияларида ғолиб бўлишди.

Ушбу ўзига хос мусобақа тусини олган анжуманда умумтаълим фанлари тўғараги аъзолари ҳам фаол иштирок этди. Унда рус тили ва ўзбек тили кафедрасининг «Русское слово» тўғараги «Энг сифатли макет учун», «Зулфияхоним» тўғараги «Энг яхши амалий ишлар» номинацияси ғолиблигини кўлга киритди. Хорижий тиллар кафедраси қошида ташкил этилган «Таржимон» тўғараги аъзолари «Энг яхши услубий ишлар, аниқ фанлар кафедрасининг «Ёш математиклар» тўғараги «Энг яхши кўргазмалари қурол», ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасининг «Ўткир зеҳнлилар» тўғараги «Энг долзарб илмий маъруза» номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорлар коллеж маъмуриятининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейда ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси IV босқичи қатъий тартиб асосида ва уюшқоқлик билан ташкил этилди. Синовнинг дастлабки кунини ўқувчилар амалий ишларни ёзиб тугатишгач, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ёзма (амалий) ишларни атрофлича синчиклаб текширишди. Ҳар бир масала, топшириқ учун қўйилган баллар жадалга туширилиб, тақриз ёзилди ва имзоланди. Барча фанлар бўйича ҳакамлар ҳайъати раислари яқиний баҳони ўртача арифметик қиймат асосида аниқлаб, балларни қайдномага кўчирди ва шу куннинг ўзидаяк олимпиада қатнашчиларига биринчи тур синовлари натижаси эълон қилинди.

— Қатнашчилар ишини баҳолаш осон бўлмади, — дейди чизмачилик фани ҳакамлар ҳайъати аъзоси Анвархўжа Бўрибоев. — Топшириқлар бирмунча мураккаблигига қарамадан, барча ўқувчилар бор билим ва имкониятларини ишга солиб, ғолиблик учун курашди. Уларнинг иқтидор ва истеъодларининг ҳаққоний, ҳолис баҳолаш асосий мақсадимиз бўлди.

Фан олимпиадаси имтиҳонларининг иккинчи кунини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази беллашувнинг иккинчи тури — тест синовларини ўтказди. Кўпварақлилик асосида тайёрланган тест топшириқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан стандартларга мос равишда, мазмунан тўғри ва ҳаттоларисиз тайёрланганилиги текширилди. Жараёнда материаллар иштирокчиларга тарқатилиб, ҳар бир тест саволига берилган жавоблардан фақат биттасини белгилаш кераклиги тушунтирилди. Шундан сўнг икки тур синовларидан олинган натижалар умумлаштирилиб, 76 балдан юқори кўрсаткичга эга бўлган ўқувчилар орасидан ғолиблар аниқланди.

Олимпиаданинг ёпилиш маросимида ғолиблар ва уларнинг устозларини яқинлари Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети мажлислар залида жамулжам бўлишди. Ота-оналар қўлларида гулдасталар тутган, ғолиб ўқувчилар ҳажжондан энтиккан.

— Юртимизда таълим ва тарбия тизимида олиб борилаётган ислохотлар туфайли фарзандларимиз билимни, салоҳиятли бўлиб вояга етмоқда, — дейди ота-оналардан бири Гулбаҳор Алимова. — Фан олимпиадасининг республика босқичида ўғлим Сирожишдин Алимов давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан юқори балл билан биринчи ўринни қўлга киритди. Бу ютуқ ҳам ёшларга ўз иқтидор ва истеъодини намойиш этиш, мутасил юксалтириб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганининг самарасидир.

Талабалик бахтига муяссар бўлишди

Республика фан олимпиадасининг тантанали тақдирлаш маросимида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори Жаҳонгир Исмоилов ўқувчилар эришган улкан муваффақиятни мамнуният билан қайд этди. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов ҳам ғолиб ўқувчиларни бирма-бир табриклиди. Улар иштирокида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган 57 нафар ўғил-қизга дипломлар ва махсус гувоҳномалар тантанали равишда топширилди. Аҳамиятлики, совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар олимпиада низоми ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон

иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига асосан олий ўқув юртларига тест синовларисиз ҳамда қўшимча имтиҳонларсиз ўқишга кириш имтиёзига эга бўлишди.

Дарвоқе, УрДУ қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Гулистон Азатова 91,25 балл тўплаб,

ят, интилиш ва истеъодини намойиш этди, балки улар тахсил олаётган таълим муассасасидаги тўғри ва самарали олиб борилган таълим ва тарбия жараёни махсулини ҳам кўрсатди.

— Давра суҳбатларида, жамoa йиғилишларида, ота-оналар билан учрашувларда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, қучли, доно ва, албатта, бахтли бўлиши шарт» деган эзгу даъватлари моҳияти теранлиги тўғрисида жуда қўл гапираман, — дейди Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейи директори Тўхтамурод Жумаев. — Сабаби, бу ҳикмат замирида иқтидорли ва изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг йўл очиб, қанот бериш каби дастуриламал фикрлар ётибди. Олимпиаданинг асосий мақсади ҳам ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишини кучайтириш, уларни илмий из-

Мақсадлари аниқ ёшлар

— Яқинларимдан синовларда қийналмадингми, берилган топшириқлар мураккаб эмасми, деган саволни кўп эшитаяпман, — дейди тарих фанидан 94 балл билан биринчилиكنи қўлга киритган Шоҳруҳ Нуралиев. — Илм-фан ривожига хизмат қилувчи билмасангиз қийин туюлиши мумкин. Пухта тайёргарлик қўрилса, ҳар қандай топшириқ сoddа ва оson бўлиб қолади. Бугун биринчи даражали диплом билан тақдирланишимда Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицейи жамоаси, устозим Элбек Абдуманнотовнинг улуши катта.

Француз тили бўйича биринчи ўринни эгаллаган Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейи ўқувчиси Нафиса Эримметова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари универ-

Olimpiada — 2012

эмас. Келажақда Бухоро давлат университетидаги ўқишга кириб, илм-фан ривожига хизмат қилувчи изланишлар олиб бораман.

Содиқжон кўнглида шодлик билан бирга, уни қўллаб-қувватлаб турган мактаб директори Бадриддин Шарофов, устозлари Нормон Муродов, Жалил Бозоровга нисбатан миннатдорлик туйғуларини хис қилаётганини таъкидлайди. Математика фанидан кейинги ўринларни Қашқадарё вилоятидаги 18-қўзи охиж болалар махсус мактаб-интернати ўқувчилари Жаҳонгир Одилов ва Ойбек Шодиев эгаллади. Улар ҳам бу ғолибликни ҳаётларида катта бурилиш ясайдиган воқеали сифатида баҳолашмоқда.

Натижалар атрофлича таҳлил қилинади

Олимпиада — билимлар баҳси, унда иқтидорли, зукко, билимли ўқувчилар майдонга тушади. Бу йилги олимпиадада ҳам шундай бўлди. Беллашув жараёнида Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ўқувчилари 9та, Бухоро вилояти ёшлари ҳам 9та совринли ўринни эгаллаб, 1-, 2-, 3-ўрин соҳибларига айланишди. Наманган, Қашқадарё, Хоразм вилояти ўқувчилари кейинги урлиқни, Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ҳамда Жиззах вилоятлари 7-, 8-, 9-, 10-ўринни банд этишди. Андижон, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари ўқувчилари биттадан ўрин эгаллаган бўлса, Фарғона вилояти вакиллари бирорта ҳам ўрин олишга муваффақ бўлмади...

Билимлар майдонида касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ҳам муносиб иштироки ва муваффақиятларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу йилги синовларда касб-хунар коллежлари ғолиб-ўқувчилари сони 11 нафарни ташкил этди. Чўст ижтимоий-иқтисодиёт сервис касб-хунар коллежи ўқувчилари Зарина Сохибова ҳамда Умида Умарова тохик тили фанидан, Томди агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Шамшира Кулжоновна қозоқ тили фанидан, Мўйноқ саноат транспорт касб-хунар коллежи ўқувчиси Дилфуза Конисбоева қорақалпоқ тили ва адабиёт фанидан, Учқўрғон иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Хусниддин Валиев география фанидан совринли ўринларни эгаллашди. Янада қувонарлики, чизмачилик фанидан 1-, 2-, 3-ўрин, ҳуқуқ фанидан 1-, 2-ўринлар ҳам касб-хунар коллежи ўқувчиларига насиб этди.

Олимпиада жараёнида ҳамми 66та совринли ўриндан 9таси, яъни информатикадан 3та, иқтисодий билим асосларидан 2та, қозоқ тили фанидан 2та, кимё ва рус тили (ўзбек гуруҳларида) фанларидан биттадан ўрин бўш қолди. Олимпиада низомига етди. Аммо унинг натижалари жойларда атрофлича таҳлил қилинади, зарур ҳоллар чикарилади. Шу тарзда келгуси йили бўлиб ўтадиган умумтаълим фанлари олимпиадасига тайёргарлик бошлаб юборилади.

Курбонбой
МАТКУРБОНОВ,
Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР КИМЛАРГА НАСИБ ЭТДИ?



рус гуруҳларида ўзбек тили фани бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Муддатидан олдин талабалик бахтига муяссар бўлдим, — дейди у. — Жуда хурсандман. Бунинг учун ота-онамга, устозларимга чўқур миннатдорлик билдираман. Тўғриси, ғолиблик учун даъвогарлар орасида зукко, ақлли, билимли ўқувчилар кўп эдики, олдинги кўнглимда ҳадик ва ҳавотир пайдо бўлди. Бу кечинмалар имтиҳон жараёнида масъулият ва ишонч туйғуларига алмашди.

Мазкур таълим муассасасининг яна бир ўқувчиси Дилафруз Қўшаева эса айнан шу йўналишда иккинчи ўринни эгаллади. Икки дугона бир-бири билан олиб борган соғлом рақобати, тинимсиз изланиши, устозлари Муяссар Хайитова, Шукрхон Норбоева, Роҳат Машарипованинг берган билими натижасида шундай кўрсаткичга эришди. Ўзтиборлиси, дўстлик ғалабасига йўл очган олимпиадада дугоналар сафи янада кенгайди.

Бухорода шундай лицей бор...

Фан олимпиадаси нафақат ўқувчиларнинг билим ва қобили-

ланувчанликка йўналтириш, энг қобилиятли ва истеъодли ўқувчиларни аниқлашга хизмат қилади. Лицейимиздан 12 нафар ўқувчи кимё, физика, математика, иқтисод, рус тили фанларидан олимпиадага қатнашиб, 5 нафари ғолиблик шохсупасига кўтарилди. Халқаро олимпиадаларда ҳам муносиб қатнашшини ният қилиб турибмиз. Жорий йилда ўқувчиларимиз Аргентинада математика фанидан бўлиб ўтадиган жаҳон олимпиадасида иштирок этади. Улардан олтин, кумуш ва бронза медаллари шодасини кутаяпмиз.

Дарҳақиқат, мазкур таълим муассасаси ўқувчиларининг бугунги натижалари эътирофга арзигулки. Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейи ўқувчиларидан Сардор Гафоров математика бўйича тенгсизлигини кўрсатган бўлса, Отабек Асодов шу йўналишда шохсупанинг учинчи ўринни банд этди. Биология фанидан Гулрайно Атамуратова 85,3 балл билан иккинчи, Бахтигул Ботирова учинчи ўринни эгаллади. Кимё бўйича иккинчи даражали диплом билан тақдирланган Зуфар Бобоев ҳам «Ғолиблар академик лицейи»нинг ўқувчиси.

ситети француз филологияси факультетини таълим режалаштирган.

— Тил билиш, дунё таниш бугунги кун талаби, — дейди Нафиса. — Бугунги ютуғимда менинг чет тилини ўрганишга бўлган ихлосимни уйғотган Янгибозор туманидаги 27-мактабда таълим-тарбия берган устозим Санобар Сотимбоевнинг хиссаси улкан бўлди. Бу рағбатим менга билдирилган ишонч деб қабул қиламан ва юрт тараққиётига хизмат қилувчи кадр бўлиб етишишга ваъда бераман.

«Ўзимга ишончим ортди»

Маълумки, махсус таълим йўналишида ҳам иккита фан, яъни математика ва она тили бўйича ақл-заковат баҳслари ўтказилган эди.

— Билиму салоҳиятимнинг республика миқёсида эътироф этилиши ўзимга, имкониятларимга бўлган барча шубҳаларни йўққа чикарди, — дейди математика фанидан 78,8 балл билан биринчи ўринни қўлга киритган Бухоро шаҳридаги 24-қўзи охиж болалар махсус мактаб-интернати ўқувчиси Содиқжон Бобононов. — Албатта, бу натижа билан чекланиш керак



❖ Самарқандда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Тадбирларда депутатлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маънавий тарғиботчилари, театр ва кино намояндалари, спорт соҳасида Осиё ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ёшлар ҳамда умидли хонандалар иштирок этди. Улар мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритдилар. Айниқса, бугун дунё миқёсида «оммавий маданият» деб аталган иллат таъсири кучайиб бораётган бир пайтда ўғил-қизларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш долзарб вазифаси қайт этилди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Олий суд ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Сиз қонуни биласизми?» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг вилоят босқичларида ғолиб чиққан 14 жамоа орасида Пайарик қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини қайта ишлаш касб-хунар коллежининг «Ёш адолатчилар» жамоаси мутлақ ғолиб бўлди.

Фестиваль давомидида ёшлар турли мавзулардаги бахс-мунозараларда иштирок этди, улар учун концерт дастури намойиш этилди, таниқли кино ва театр актёрлари билан учрашувлар ўтказилди.

❖ Юқори Чирчиқ туманидаги «Янгибозор» истироҳат боғида «Мустақкам оила — жамият тараққиёти гарови, соғлом оила — соғлом зурриёт» шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир доирасида «Оила — менинг кутлуғ боғим», «Менинг оилам» мавзуларида иншо ва расмлар танловлари ҳамда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» спорт мусобақасининг вилоят босқичлари ўтказилди.

Тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг билим ва маҳоратини синовдан ўтказиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, бўлажак ота-оналарни бола тарбиясига оид сабақлардан хабардор қилиш, спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир.

❖ Шахрисабз туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим мактаб бошланғич ташкилотлари форуми бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остидаги анъанавий XI анжумани ҳам ўтказилди.

Форум ва анжуман доирасида «Камолот»нинг бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш, болаларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор лойиҳалар, танловлар ва ижодий кечалар ташкил этилди. Анжуман иштирокчилари «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни бўйича ва бошқа қатор мавзулардаги тренинглари, кизикарли ўйинлар, интеллектуал баҳслар, спорт мусобақаларида билим ва маҳоратларини оширдилар.

❖ Тошкентда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишга эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғарма, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман доирасида мамлакатимизда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иқлим ўзгаришининг олдини олиш, биохилма-хилликни асраш, қиқиндиларни қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш, экологик таълим каби йўналишларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Тадбирда атроф-муҳитни асраш, барқарор ривожланишга эришиш, чўлланишининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ташаббуслар ва уларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон тажрибасига оид маърузалар тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Имтиҳонлар давом этмокда

Шу кунларда республикаимиз умумтаълим мактабларида давом этаётган якуний давлат аттестацияси ва босқичли назорат имтиҳонлари ўқитувчи ўқувчилардан бирдек масъулия талаб этмокда.

Пойтахтимиздаги 70-мактабда ҳам фанлар хусусиятига кўра ёзма ва озғак шаклда ўтказилаётган синовлар қизгин паллага кирди.

Бу муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик қўрилди. Айниқса,

ўқув йили бошида аниқ ва табиий фан хоналарига замонавий лаборатория анжомлари келтирилиб, пухта таълим берилгани ўқувчиларнинг амалий билимларини янада мустаҳкамлади. Буни якуний аттестацияда кимё ва физика

Yakuniy attestatsiya

фанларидан лаборатория машғулотларини бажаришда юқори натижалар қайд этилганidan ҳам билиш мумкин.

— Аъло баҳоларга ўқиши, намунали хулқи учун IV—VIII синф ўқувчиларидан 154 на-

фари босқичли назорат имтиҳонларидан озод қилинди, — дейди мактаб директори Барно Қодирова. — Бу уларнинг йил давомида устозлари берган билимларни чуқур ўзлаштиргани, олиб борилган маънавий-маърифий ишлар натижасидир.

Шу кунга қадар жисмоний тарбия, она тили ва адабиёт, математика ҳамда кимё фанларидан якуний аттестация имтиҳонлари ниҳоясига етди. Уларнинг ҳолис ва ҳаққоний ўтаётгани ўқувчиларда ўзига ишончни оширмокда.

Ибодатхон НИЁЗОВА,
ЎЗМУ талабаси

Инновацион ишланмалар

СамДУ қошидаги 2-академик лицейда «Инновацион ишланмалар» ҳудудий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар

ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазма иқтисодийнинг соҳа ва тармоқларидаги таълими инновация соҳасидаги тақлифлар билан уйғунлаштиришнинг доимий амалдаги майдончаси, инноваторлар ва инвесторлар ўртасидаги бевосита амалий алоқалар марказига айланиб улгурган.

Кўргазмада 30дан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба конструктор-

лик ташкилотларининг жаҳон андозаларига мос, юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва бошқа илмий технология маҳсулотларини яратишга имкон берувчи саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, инновацион технологиялар, фан ва маориф соҳаларидаги 150 дан ортиқ технология ва ишланмалар намойиш этилди.

— Биз тақдим этаётган микро-ГЭС ишланмаси тоғли ҳудудлар учун мўлжалланган, — дейди Жизжақ политехника институти доценти Асрор Мустафоқов. — Унинг конструкцияси қуриш учун осонлиги, ишчи қисмларининг маҳаллий ҳомишлардан тайёрланиши, ишлаш шараёнининг қўлайлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Учтепа туманидаги 28-болалар мусика ва санъат мактабида Ўзбекистон таълими, фан ва маданият доимлири касабга уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган «Онам айтган аллалар» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимиз сарнамаси, халқ озғак ижодининг бе-тактор намуналаридан баҳраманд этиш, улар қалбига мумтоз меросимизни ҳурмат қилиш, эъзоз-

Дунёдаги энг гўзал кўшиқ

лашни янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ўтказилган ушбу қадриятлар байрами «Мустақкам оила йили»га бағишланди.

Унда туман босқичида ғолиб чиққан жами 15та жамоа ўз истеъдодини намойиш этди.

Танловнинг асосий шарти дунёдаги энг гўзал кўшиқ — аллани маромига етказиб ижро этишдир. Берилган 10 дақиқа давомида иштирокчилар фаҳатгина алла эмас, балки халқ озғак ижоди-

дан ёр-ёр, лапар ва ўланларни ҳам маҳорат билан қўйладилар.

Танлов натижаларига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари жамоалари ўртасидаги кўриқда I ўринни 1-Тошкент педагогика коллежи эгаллади.

Халқ таълими муассасалари жамоалари ўртасида эса, I ўринни Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилари жамоасига насиб этди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Оромгоҳлар болажонларни кутмокда

Қашқадар вилоятидаги мавжуд оромгоҳларда 27180 нафар бола ёзги таътил даврида соғломлаштирилади. Оромгоҳлар дам олувчиларни қабул қилишга тайёр.

Оромгоҳлардаги маънавий-маърифий ва тўғрақ ишларини олиб бориш учун вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳар бир навбатда 313 на-

фар, тўрт навбатда 1252 нафар ўқитувчи-педагог жалб этилади.

«Болаликнинг олтин давлари» мавзусидаги тадбирлар режаси асосида ўқувчилар ўртасида турли хил спорт мусобақалари, миллий ўйинлар, қизқарлик савол-жавоблар, шеърхонлик кечалари ва «Ўзбекистон-қўшми ўлка» мавзусида расмлар кўрик-танловлари ўтказилади, ёзги соғломлаштириш мавсумида кўча кутубхоналар иш олиб боради.

Ўктам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Самарадорлик омили

Интерфаол усуллар, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигига эришишда кўл келмокда. Бу эса ўқитувчиларни кўпроқ изланиб, дарсларга ижодий ёндашишга унда, ўқувчиларга мустақил ҳолда мавзунини таҳлил этиб, хулоса чиқариш имконини яратмокда.

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 5-мактабда «Бошланғич синфларда дарс самарадорлигини оширишда педагогик технологияларнинг ўрни» мавзусидаги ўқув-амалий семинар ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Республика таълим маркази, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси, Паркент тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вакиллари ҳамда вилоятнинг барча туманларидан келган бошланғич синф ўқитувчилари очик дарслар ва тренинглар ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар. Мазкур мактаб ўқитувчиси Умида Тўлаеванинг 3-синфда «Ўқиш» фанидан, Гулбаҳор Бадалованинг 4-синфда математика фанидан ўтган дарслари иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Семинарда шунингдек, Республика таълим маркази бошланғич таълим бўлими бошлиғи Н.Аҳмедованинг «Педагогик технологиялар — дарс самарадорлигини ошириш омили», Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошланғич таълим методисти Х.Эгамбердиевнинг «Таълим жараёнида педагогик технологияларнинг самарали усулларидан фойдаланиш» бўйича тренинг машғулотлари иштирокчиларни бу борадаги янгиликлар билан танишишга имкон яратди.

Баҳорат ОТАЖОНОВА

Ижодий мулоқот

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида таниқли ёзувчи, олим ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммад билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Институт ёш тадқиқотчилари ташаббуси билан ташкил этилган учрашувда сўзга чиққанлар бугунги ўзбек насри, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Адиб асарлари, жумладан, «Қисса» ҳамда «Ижод — қўнғил мунавварлиги» китоблари хусусида баҳс-мунозара бўлди. Ёш тадқиқотчилар ушбу асарларда кўтарилган муаммо, бугунги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатлари, ёзувчи тили ва услуби борасида фикр билдиридилар. Ўз навбатида, адиб баъзи асарларининг яратилиш тарихи, айрим образлари ҳақида маълумот берди. Асар бадий матни бўйича лингвистик тадқиқот олиб бораётган стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

МУХБИРИМИЗ

ҚИЗЛАР — ТАЪЛИМНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИГА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар тарбиясига берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасини қизлар таълимнинг барча босқичларига тўлиқ қамраб олинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда 9-синфни битирганларни, хусусан, қизларнинг коллеж ва лицейларида ўқишни давом эттиришига алоҳида эътибор қаратилаётгани уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришлари учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Бу йил Жиззах вилоятидаги 548 умумтаълим мактабини 11 минг 778 нафар қиз битадири. Улар таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириши учун барча зарурли тadbирлар амалга оширилади. Бугунги битирувчи қизлар ўзи яшаётган туман, вилоят, қолаверса, мамлакатимиздаги барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиб, қайси билим юртига кириши, келажақда ким бўлиши тўғрисида бир тўхтамга келган.

Вилоят мактабларининг амалиётчи психологлари томонидан ўқувчиларнинг касбга қизиқишини ўрганиш мақсадида ўтказилган уч босқичли сўровнома натижалари битирувчи қизларнинг бир минг 935 нафари академик лицейларида, тўққиз минг 843 нафари касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттиришини кўрсатмоқда.

— Битирувчи қизларни лицей ва коллежларга тўлиқ қамраб олиш бўйича шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари қoшида тузилган махсус ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатаётди, — дейди Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шахло Ахророва. — Ишчи гуруҳлар битирувчи қизларни касбга йўналтиришда таълим муассасалари ходимлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий

таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда ота-оналар билан олдиндан келишилган ҳолда, муайян битирувчи қиз танлаган касбга яқин бошқа билим юртидан ўринлар ажратилиб, унинг ўқишни давом эттириши кафолатланмоқда.

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишда маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Тўққизинчи синфни битириётган қизларимиздан бирининг ўқишни давом эттирмаслик хавфи борлиги маълум бўлиши билан унинг ота-онаси ва ўзи билан суҳбатлашдик, — дейди Жиззах шаҳридаги «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчехра

дир. Қолаверса, ота-оналар ҳам ўғил-қизларининг, келинларининг касб-хунари бўлиши янги оиланинг оёққа туриши, мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамиятга эга эканини теран англаб етмоқдалар.

— Айрим қизларнинг эрта турмушга чиқишига уларнинг ҳаётга энгил қараши ҳам сабаб бўлади, — дейди Фаллаорол саноат касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хулқар Худойкулова. — Бунда оиладаги, мактабдаги муҳит, ўсмирнинг руҳиятида юз берадиган ўзгаришларнинг ҳам таъсири катта, албатта. Йигит-қизларнинг адашмасликлари учун улар никоҳ ва оила муносабатлари тўғрисида кенгрок билимга эга бўлишлари жуда зарур. Шу мақсадда коллежларда махсус дарслар ўтирилаётгани, «Ёш оила қурувчилар мактаби» мунтазам фаолият кўрсатаётгани яхши самара бераётди. Бундай мактабларда махсус дастур асосида

ойига бир марта оилавий билим асослари бўйича машғулотлар ўтказилаётди.

— Ҳар ҳафтанинг чоршанба кuni ўтказилаётган «Саломатлик кuni», «Она бўлишга тайёриймиз», «Оилада отанинг ўрни» мавзуларидаги суҳбатларга қиз чиқариш, келин тушириш арасида турган оилалар вакиллари кенг жалб етмоқдамиз, — дейди Пахтакор тумани «Самарқанд» қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчехра Усмонова. — Бу тadbирларда қизларнинг барвақт турмушга чиқиши ва эрта фарзанд кўришининг оғир оқибатлари тўғрисида тушунчалар берилмоқда.

Олиб борилаётган бундай маънавий-маърифий, тарбиявий ишларга қарамасдан, бу масалада шошқалоқлик қилаётган-

лар ҳам йўқ эмас. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси маълумотномаларида кўрсатилишича, ҳудуддаги коллеж ўқувчиларидан 118 нафар қиз ўқиш давомида турмушга чиққан. Оила қурувчиларнинг кўпчилиги фарзанд кўрган.

Дарсларга мунтазам қатнашмаётган ўқувчилар ҳам борлиги аниқ. Бунга биров ўзи хоҳлаган билим юртига ўқишга кирмагани, яна биров бошқа сабабни рўқас қилади.

— Бундай пайтда ўқув юрти маъмурияти, фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари ҳар бир ўқувчининг муаммоси, истаклари билан яқиндан танишиб, амалий ёрдам бериши жуда муҳим, — дейди вилоят хотин-қизлар кўмитаси котибияти мудири Хулқар Юсупова. — Вилоятдаги касб-хунар коллежларида дарсга мунтазам қатнашмаётган қизлар билан суҳбатлашиб, ўқишга келмай юриши сабабларини аниқлаб, амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ишда маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаолларидан ташқари, фаол ўқувчилардан иборат «Ёшлар гуруҳлари» ҳам иштирок етмоқда. Бу гуруҳлар дарсларга мунтазам қатнашмаётган тенгдошларига таъсир ўтказмоқда. Ўқувчи қизларнинг дарсга мунтазам қатнашишини йўлга қўйиш ишларига хотин-қизлар кўмитаси қoшидаги «Қалб нури» маркази ҳам муносиб ҳисса қўймоқда.

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишга берилаётган катта эътибор «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Айни пайтда вилоятда ушбу дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ёшларнинг, қизларнинг келажаги, уларнинг баркамол вояга етиши учун замин яратишга хизмат қилмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

БОЛАЛАР УЧУН ЯНА БИР ТУҲФА

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида Ахборот-консалтинг хизматининг капитал реконструкция қилинган биноси очилди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, ота-оналар ва уларнинг фарзандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси Л.Каримова-Тиллаева мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni



Ахборот-консалтинг хизмати имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналарига шифокор, психолог, дефектолог ва бошқа мутахассислар ёрдамида зарур ёрдам кўрсатиш, болаларнинг ривожланишидаги нуқсонларни ўз вақтида аниқлаб, коррекцион-даволашга хизмат қилади.

— Марказнинг капитал реконструкция қилинган Ахборот-консалтинг хизмати биноси ноёб инновацион асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази бош мутахассиси Дилноза Собирова. — Монтессори услубидан фойдаланган ҳолда машғулот ўтказиш хонаси, болаларнинг сенсор (се-зиш) идрокни ривожлантириш хонаси ҳамда кум ва арт-терапиялари хоналари янада такомиллаштирилди. Келгусида бундай Ахборот-консалтинг хизмати Фарғона, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам ташкил этиш кўзда тутилган.

Тadbир сўнггида меҳмонлар Ахборот-консалтинг хизмати биноси, ундаги замонавий шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

Моҳиҳебра ЛАТИПОВА
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

КОЛЛЕЖДА ОТА-ОНАЛАР ХАМ ХУНАР ЎРГАНМОҚДА

Қайси оилда миллий қадриятларга уйғун тарбия тизими шаклланиб бўлса, унда ҳам маънавий, ҳам jismoniy етук, мустақил фикрга эга ёш авлод камолга етади. Бундай авлод эса миллий урф-одатларимизга ёт бўлган бузғунчи ғояларга қарши тура олади, маънавий қадриятларимизни асраб-авайлайди.

Ҳар бир ёшнинг пухта билим олиб, касб-хунарга эга бўлиб, ўз келажагини мустақил қура олишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида, албатта, оила — маҳалла — таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Бугун бизнинг таълим муассасамизда ҳам ушбу ҳамкорликни кучайтириш бўйича кўпгина амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўтказилаётган тадбирларда ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирок этиб, ёш авлод таълим-тарбияси учун яратилган имкониятлар билан яқиндан танишмоқда.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кўпгина касб-хунар коллежларида нафақат ўқувчилар, балки маҳалла аҳли, оилаларнинг ҳам тикувчилик, зардўзлик, хунармандчиликни ўрганиши учун шароитлар яратилган. Коллеж ахборот-кутубхона марказидан эса оилавий китобхоналарнинг бемалол фойдаланиши учун шароит яратилганлиги ҳам эътирофга лойиқ.

Бундай ҳамкорлик натижасида оилаларга касб-хунар, китоб кириб бормоқда ва бу, ўз навбатида, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир қўрсатмоқда.

**A. MAMATKULOV,
M. KARIMOV,**

Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи ўқитувчилари

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабда ёш авлодга сифатли таълим-тарбия бериш борасида ўзига хос тажриба яратилган. Мониторинг таҳлиллари бўйича, мактаб барча кўрсаткичлар бўйича шаҳарда етакчи ҳисобланади. Математика, физика, биология, тарих-ҳуқуқ, хорижий (инглиз, рус) тиллар чуқурлаштириб ўқитиладиган таълим масканида 710 нафар ўқувчига 50 нафар тажрибали устоз-мураббий сабоқ бермоқда.

Педагогик жамоа «Дарс муқаддас» шioriга амал қилиб, машғулотларни янги методик усуллар асосида ташкил этишга интилади.

Мақтаблар ҳаётидан

лар орасида иқтидорлилар ҳам талайгина, — деди муассаса директори, Халқ таълими аълочиси Дилфуза Садриддинова. — Уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга жиддий эътибор бераёلمиз. Айни кунларда мактабимизда 6 нафар имконияти чекланган ўқувчи таҳсил олмақда. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва Халқ таълими вазирлиги бу борада бизга яқиндан кўмак бераёпти. «Ўзбекистонда узлуксиз инклюзив таълимнинг миллий мо-



қийин. Дарс жараёнида ҳам, синфдан ташқари машғулотларда ҳам

орта қолишмапти. Уларни касбга йўналтириш бўйича ҳам режаларни ташкил этилди. Физика фани ўқитувчиси Барно Мардонова Германияда малака ошириб қайтди. Рус тили ўқитувчиси Дилдора Юсупова «Йилининг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови-

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Мактаб — оила — кутубхона — жамоат ташкилотлари» китоб марафони ташкил этилди. Физика фани ўқитувчиси Барно Мардонова Германияда малака ошириб қайтди. Рус тили ўқитувчиси Дилдора Юсупова «Йилининг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови-

ЕТАКЧИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Мактаб ўқувчилари бир неча йиллардан бери «Сиз қонунни биласизми?», «Аждодлар мероси», «Сехрли ёғду», «Ёш қаламкашлар», «Нафосат» кўрик-танловларида, «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори», «Ўзбекистон мустақил дёр» расмлар кўргазмасининг республика босқичида совринли ўринларни қўлга кириштириб келмоқда. Билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида ҳам муносиб натижалар қайд этилаётган. Бунда, шубҳасиз, мактабда яратилган шарт-шароит, моддий-техник базанинг аҳамияти катта. Капитал таъмирдан сўнг кимё, биология, физика хоналари ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. 2008 йилдан бери мактабда инклюзив таълим ҳам жорий этилган.

— Имконияти чекланган бола-

делини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» лойиҳасини амалга оширишда ўқитувчи ва мутахассислар қатори мактабга ҳам мактаб ёшидаги болалар, уларнинг ота-оналари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Тарих-ҳуқуқ фани ўқитувчиси Феруза Пардаева Самарқанд шаҳрида ўтган халқаро семинарда иштирок этиб, «Инклюзив таълим дастури» бўйича тренер бўлиб қайтди. Шу кунгача мактаб педагоглари томонидан 100га яқин методик тавсиялар, махсус дарс ишланмалари тайёрланди. Натижалар қувонарли: дастлаб қузатув дафтарыда тажана, лоқай, дарсга қизиқмайди, каби жумаларни ураган бўлса, бугунги ҳулосаларда ижобий манзара акс этган. Имконияти чекланган болаларни соғлом тенгдошларидан фарқлаш

нинг республика босқичида иштирок этган бўлса, Марҳаб Алмева, Равшан Қодирқуллов каби мураббийларнинг иш тажрибаси вилоят миқёсига оммалаштирилди.

Жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор натижасида ўқувчилар орасидан таэквондо, каратэ, бокс бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари етишиб чиқаёпти. Гулбаҳор Самандарова раҳбарлигида бадий гимнастика тўғрисида 1—4-синфларда ўқийдиган 24 нафар қизалоқ шугулланмоқда. Бу каби мактабларимиз сафи кенгайиши фарзандларимизнинг юксак интеллектуал салоҳияти баркамол авлод сифатида улғайишларида жуда муҳимдир.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Жиззах вилояти

БОЛА БОҒЧАГА ИНТИЛИСА...

— Ая, тезроқ йўлга тушайлик, боғчага кеч қолаяпман! — деди 5 ёшли Мубина бетоқат бўлиб.

Онаси бундай ҳолатга кўникиб кетгани боис белпандида жавоб берди:

— Мунча шошмасанг, бирор ишинг чала қолганими?

— Кеча бошлаган расмимни тугатмагандим-да, — деди қизалоқ...

Марғилон шаҳридаги 3-МТМда тарбияланувчи болаларнинг ҳар тонги шундай кечади. Эрталабдан қадрдон боғчаларига шошишади. Бу гапларни ўқийдиган муштарий боланинг боғчага интилишига ишонмайгина қараш мумкин. Чиндан ҳам қўллаб хондонларда кичкинтойлар боғчага бормайман, деб ҳархаша қиладилар. Мазкур МТМда эса аксинча. Нега шундай деб ўйлаётгандирсиз? Бунинг ўзига хос сирлари бор, албатта.

— Боғчамиз 280 ўринга мўлжалланган, — дейди боғча мудири Саломатхон Ўрмонова. — Навбат кутиб турган ота-оналар талайгина. Жамоамиз 2009 йилдан бундан «Шахсга йўналтирилган таълим» дастури асосида фаолият юритмоқда. Ҳар бир бола билан индивидуал ишлаймиз. Боғча ҳудудидаги ер майдони, бино деворлари, йўлақлар, машғулот хоналари, зиналар, гуллар, ўйинчоқлар — барчаси бир мақсадга — болалар тарбиясига йўналтирилган. Бунинг ижодий муҳит дейимиз. Бола боғча дарвозасидан кирганидан то машғулотлар тугаб, уйига қайтгунга қадар шу муҳит бағрида бўлади. Ҳеч бири бирор дақиқа бўлсин эътиборсиз ва бўш қолмайди.

— Кичкинтойлар эрталабдан бадан тарбия машқларида чиннақадилар, — дейди жисмоний тарбия йўриқчиси Дилфуза Раҳматуллаева. — Ўйин асосида ташкил этилган машқларни ба-

жариш давомида болаларда иштиёқ пайдо бўлади, ушшоқлик туйғуси, ўзига ишонч ҳисси шаклланади.

— Болалар таълим-тарбия жараёнига тўлақонли равишда жалб этилсагина, меъёрида ривожланади, — дейди услубчи Муножатхон Арслонова. — Боғчамизда болаларни излашга, қобилиятларини тўла намоён этишга ундовчи ижтимоий-маънавий муҳит яратилган. Шахсга йўналтирилган таълим бўйича 12та гуруҳ хонаси дастур талабига тўлиқ жавоб берадиган тарзда жиҳозланган. Санъат, қурилиш, пазандалик, адабиёт, математика, мусиқа, кум ва сув, табиат каби мавзули ўйин маркази ташкил этилган. Бу ерда болалар ҳар бир маълумотни ўйин орқали мустақил тарзда билиб олишади. Натижада, уларда мустақил қарор қабул қилиш, ўз фикри ва туйғуларини эркин ифода этиш, тенгқурларидан ўрганиш кўникмаси пайдо бўлмоқда.

«Маржон» ва «Камалак» гуруҳларида 35 нафар бола мактаб таълимига тайёрланади.

«Маржон» гуруҳида савод ўргатиш машғулоти бораёпти. Тарбиячи «Музёра» ўйинини бошлади: 16 нафар бола ўз исмини бийрон-бийрон таърифлаб берди. Шундан сўнг 5 гуруҳга бўлиниб, деворга осиб қўйилган ҳарfli расмлар асосида шеърлар айтишди. Кичкинтойлар 23та ҳарф билан танишиб улғуришибди. Тарбиячи айтган сўзларни ҳарфларга ажратиб, унли ва ундощовушларни фарқлай олдилар.

Болалар хотирасини ўстириш ва синовдан ўтказишда «Жонли алифбо» электрон кўргазмаси ҳам яхши самара бермоқда. Бунда унли ва ундощовушларни алфавитдан топиш талаб

этилади. Агар тўғмача тўғри босилса, уша ҳарф ёнади ва «Сиз тўғри топдингиз! Балли! Офарин!» сўзлари янграйди. Аксинча бўлса, қурилма «Яна ҳаракат қилиб кўринг», дейди. «Жонли алифбо» болаларни жуда қизиқтириб қўйди. Гуруҳдаги барча ўғил-қиз ўз билимини синаб кўришга ошиқарди. Шундан сўнг тасмалар ва саноқ чўплар воситасида «Она» сўзини ёздилар, «О» ҳамда «А» унлилари билан бошланувчи сўзларни айтдилар: она, анор, ари, асал... «О» нима учун унли товуш саналади? деган саволга Исломожон «Чунки «О»ни айтганимизда тилимиз танглайимизга тегмайди», деб жавоб берди. Тарбиячи фаол болаларни рағбатлантирди.

Шу пайт хонага «Х» ҳарфи кириб келди. Бу янги машғулот мавзуси эди. Тарбиячи «Х» ҳарфини талаффуз қилганда ҳамма кўзини юмиб эшитди. Сўнгга тарбиячи сўради: «Болалар, сизлар нимани эшитдингиз? — Биз товушни эшитдик, — деб жавоб берди улар.

Сўнгга мўъжазгина ёзув тахтасига «ХҲҲҲ», сўзи ёзиб қўйилди. Сўзларни бўғинларга ажратиб бериш сўралганди. Раҳматулло биринчи бўғин — «Хў», Моҳинур эса иккинчи бўғин «ро» эканини айтди.

Тарбиячи болаларга савол берди: — Қани айтинглар-чи, ХҲҲҲ кўшимчи ёки парранда?

Гуруҳ бир овоздан «Парранда!» деди, «ХҲҲҲ эрталаб бизни уйғотади», деб қўшиб қўйишди.

Сал ўтмай, хона бўйлаб мусиқа янгради ва майин куй садолари остида беш қатордан «Х» ҳарфини ёзиш топшириги берилди. Болалар ёзишни

тугатиши биланоқ, тарбиячи сирли қутичани қўлга олди.

— Қутичадан биттадан ҳарфни олинг ва шу ҳарф билан бошланувчи сўзларни айтинг, — дея болаларга юзланди. Ўйин давомида ўттиздан зиёд сўз танланиб, тўғри талаффуз этилди. «Х» ҳарфи билан бошланган бешта сўз топиб келиш топшириги уйга вазифа қилиб берилди.

— Эътибор берган бўлсангиз, болалар Х ҳарфини кўз билан кўрдилар, қўл билан ушлаб, қулоқ билан эшитдилар. — деб изоҳ берди машғулот тугагач, тарбиячи Нодирхон Уктамова. — Дарс давомида «Энержайзер» ўйинидан ҳамда «Хаёлот» усулидан ҳам фойдаландим. Булар болаларнинг руҳий фаоллашуви ва диққатини жамлашга хизмат қилди.

Мазкур МТМ тарбияланувчилари кейинчалик шаҳардаги 1-, 2-ИДУМИ ва 16-умумтаълим мактабда ўқийдилар. «Шахсга йўналтирилган таълим» олган болалар мактабда бошқа тенгдошларидан алоҳида ажралиб туради.

— Бу йил 15 нафар ўқувчи шу боғчадан мактабимизга келди, — дейди 2-ИДУМИ бошлангич синф ўқитувчиси Мамлакатхон Холиқназарова. — Синфимизда ҳам 7 нафар тарбияланувчи таълим олади. Барчаси «аъло» баҳога ўқиб, тенгдошларига ўрناк бўлмоқда. Уларда тасвирий санъат, ёзиш, ўқишга бўлган қизиқиш ва интилиш жуда юқори, оғзаки нутқи яхши ривожланган. Энг асосийси, топшириқларни мустақил бажаришади. 3-МТМ жамоаси ота-оналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган.

— Машғулотларда иштирок этамиз, — дейди ота-оналардан Ёқутхон Ғаниева. — Фарзандларимиз, набира-ларимизнинг қандай тарбия олаётганини кузатиш, лозим бўлса, ёрдам бериш имкониятига эгамиз. Шу боғчада 3 нафар фарзандим, 6 нафар набирам тарбияланди. Бу йил кенжа набирам ҳам қатъий бошлади...

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Баркамол авлодга ўз истеъдод ва имкониятларини рўйбга чиқариш учун кўрсатилаётган рағбат ва ғамхўрлик бугунги кунда мамлакатимизда барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ёшларнинг жаҳон андозаларига уйғун ҳолда билим олиши, қизиққан соҳалари бўйича касб-хунар эгаллаши, илмий изланишлар олиб бориши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташкил этаётган кўрик-танлов ва фестиваллар ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётир. Жумладан иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш ва муносиб рағбатлантириш, келгусидаги фаолиятларига ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида ўтказиб келинаётган "Келажак овози" танловига ҳам қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Лойиҳа 2005 йилдан буён Ўзбекистон бўйлаб 388 минг нафар ўилқизни қамраб олди. Иштирокчилар тақдим этаётган турли йўналишдаги янги лойиҳалар, таклифлар ва веб-ишланмалар нафақат юртимиз, балки хорижий мутахассислар эътиборини ҳам тортаяпти.

Орифжон Назаров, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази координатори:

— Дарҳақиқат, 2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган кўрик-танлов салоҳиятли ёшларни аниқлаш, уларнинг истиқболли режалари билан кенг жамоатчиликни таништириш, илгари сурилаётган илғор ғоя ва ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш имконини бермоқда. Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализиаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва безакли амалий санъат, бадий ижод ва публицистика йўналишларида ўз маҳорат ва истеъдодини намоён этишмоқда.

Танловнинг дастлабки голиблари бугун мамлакатимиз ва хориждаги етакчи инновацион марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотлар, компаниялар, муассасаларда, маданият ва санъат масканларида самарали меҳнат қилмоқда. Фан ва технологияларга оид кўргазма-ярмаркалар, ахборотлаштириш, санъат ҳафталарида ўз изланиш ва ижод намуналари билан муваффақиятли иштирок этаётир.

Яқинда "Келажак овози" танловининг бу йилги саралаш босқичларига старт берилди.

Кўрик-танловга аризалар 2012 йилнинг 1 февралидан 1 майга қадар республикамизнинг барча олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида, "Келажак овози" ЁТМ ҳамда "Камолот" ЁИХ бўлими



КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚЛАР

бетақроқ юртимизни обод этажак



УзА суратлари.

ларида, шунингдек, интернет орқали www.kelajakovozi.uz ва www.molodej.uz сайтларида қабул қилинди. 79 354 нафар йигит-қиз танловда қатнашиш учун ариза топширди. Иштирокчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини рақамлар ҳам ифодалаб турибди. Биринчи сафар 3 мингга яқин ариза тушган бўлса, саккиз йилда бу кўрсаткич 26,5 баробар ошди. Демак, танлов нафақат шаҳар марказларидаги, балки республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларидаги йигит-қизларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлаётир.

Айни пайтда республикамизнинг барча вилоятларида "Келажак овози" танловининг иккинчи босқичи ўтказилаяпти. Таниқли фан, маданият ва санъат намоёндаларидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва жамоатчилик кенгаши вакиллари истеъдодли ва фаол ёшларни кашф этиш жараёнида бевоқиф иштирок этмоқда.

Вилоят саралаш босқичида ўзини намоён эта олган ёшлар декабрь ойида ташкил

этиладиган республика босқичига йўланмани кўлга киритади. Улар ўн кун давомида танловнинг жамоатчилик кенгаши ва ҳакамлар ҳайъати олдида ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказишади. Республика босқичи голиблари олий ўқув юртида тахсил олиш учун шартнома пули миқдорида таълим гранти (абитуриентлар учун) ёки махсус "Келажак овози" стипендиясини (талабалар учун) кўлга киритади. Уларнинг келгуси фаолияти ҳам "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, ҳамкор ташкилотлар томонидан кўллаб-қувватланади. Ёнг мақбул лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун грантлар ажратилади. Голибларнинг халқроқ фестивал ва дастурларда иштирок этишига кўмаклашилади, патент олишда, кўргазма ва бошқа бадий тадбирлар уюштиришда яқиндан ёрдам берилади.

Шу ўринда айтиш керакки, танловнинг жамоатчилик кенгаши таркибига таниқли маданият ва санъат намоён

далари, олимлар, профессорлар, олий ўқув юрти ректорлари, турли йўналишлар бўйича етук мутахассис ва амалиётчилар киритилган.

Жорий йилдан эътиборан лойиҳа иштирокчиларига қўлайлик яратишни кўзлаб саралаш босқичлари таълим муассасаларида ташкил этилмоқда. Ҳар бир лойиҳага ҳолисона ва одилона қараш, унинг аҳамиятига эътибор бериш — биринчи мезон ҳисобланади.

Шу кунларда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ЁТМ ва ҳамкор ташкилотларнинг ёшларга қаратилган лойиҳа ва дастурлари тақдмоти ҳам бўлиб ўтаётган. Интерактив ўйинлар тарзида ташкил этилаётган тадбирларда марказ фаоллари томонидан кўпгина ҳамкор ташкилотлар фаолияти, муваффақиятли амалга оширилётган лойиҳа ва тадбирлар, танловлар мазмун-моҳияти ҳақида кўллаб-қувватлаш маълумотлар берилмоқда. Ижодий учрашувлар, маърифий тадбирлар, жонли

мулоқотлар, кўргазмалар, маданият ва санъат масканларига саёхатлар, концертлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

Ўткир Саидов, «Келажак овози» ЁТМ Самарқанд вилоят бўлими раҳбари:

— Бу йилги танловда вилоятимиз бўйича етти мингга яқин ёшлар иштирок этиш истагини билдирди. Архитектура ва дизайн, либослар дизайни, амалий ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича кўрик-танлов ҳар йилгига ўхшамайдиган тарзда, яъни кўргазма шаклида ташкил этилди. Бу, биринчидан, иштирокчиларнинг ижоди барчанинг кўз олдида ҳолис баҳоланишига имкон туғдирса, иккинчидан, бир-бирининг ишини кўрган ёшларга янада кўпроқ изланиш учун туртки беради. Қолаверса, келгусида ўз шахсий кўргазмаларини ташкил этишга ундайди.

Абдумалик Кенжабоев, СамИСи қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси:

— Ахборот-коммуникация технологиялари бугунги жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий юксалишига, ҳар жабҳадаги ахборот алмашинувининг тезлашишига, қўндалик ҳаётдаги мулоқотларнинг яхшиланишига хизмат қилмоқда. Академик лицейда аниқ фанлар йўналиши бўйича тахсил олаётганим боис, иштирокчиликка, техник ишланмалар яратишга қизиқаман. Кўрик-танловда янги веб-ишланмалар билан қатнашдим. Интернетда махсус портал яратиш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш босқичидаги лойиҳалари, шунингдек, оила аъзолари учун турли маслаҳатлар, маданий-маърифий билимини ошириш мақсадида турли материаллар жойлаштирмоқчиман. Ўшбу лойиҳам билан кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олдим.

Абдулло Иброҳимов, Наманган муҳандислик педагогика институтининг 4-босқич талабаси:

— Танловда аввал ҳам иштирок этганман, лекин жуда ҳаяжонландим. Чунки даввогарлар кўп эди. Институтимизнинг янги қиёфасини акс эттирган лойиҳам билан "Архитектура ва дизайн" номинацияси бўйича вилоят босқичи голибига айландим. Тайёргарлик жараёнида соҳага оид кўллаб-қувватлаш маълумотларга эга бўлдим. Вилоятимизда шаҳарсозлик бўйича улкан ишлар амалга оширилаётир, ўшбу бунёдкорликка ўз улушимни қўшсам дейман.

"Келажак овози" республика кўрик-танлови ёшларни замон талабларига мос, миллий қадриятларимизга садоқатли қилиб тарбиялашга, уларнинг истеъдодини юзга чиқариб, изчил қўллаб-қувватлашга, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишига кўмаклашмоқда. «Келажак овози» ўз номига монанд порлоқ келажакимиздан акс-садо бериб турувчи чинакам беллашувга айлансин!

**Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири**

ИЖТИМОИЙ ХУҚУҚЛАР МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўқтинчи йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз 2012 йилни «Мустақкам оила йили» деб эълон қилдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ ҳазратларига мурожаат этдик.

— Дарҳақиқат, кундалик турмушимизда оила мустақкам ва муҳим ўринга эга. Президентимиз 2012 йилга «Мустақкам оила йили» деб ном беришни тақлиф қилишлари замирида кўплаб эзгу мақсадлар ётибди, десак аниқлимаймиз. Оилани ҳар томонлама ривожлантириш мамлакат тинчлиги ва тараққиётининг гарови экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Дунёқарши, мақсад ва вазифалари бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, уни турли-туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай воғая етказишда оила, шубҳасиз, муҳим ўрин тутadi.

Оила, фарзанд қабул тушунчалар жамият асоси ва ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмуни ҳисобланади. Шу боис ҳалқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топиши ва мустақкам бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, эъзозлаб келган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилани ривожлантиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди.

«Жаннат райони» дея таърифланган фарзанд ҳам оилада камол топади. Шу боис ҳар бир ота-она фарзанд дунёга келган оил одан бошлаб, унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади, баркамол инсон бўлишни ният қилиб тарбиялайди. Қўзланган мақсад эса фарзанди аржумандларнинг бахти, эртанги кунининг порлоқ бўлишидир.

Зеро, тарбия масаласи азалдан ҳар замон ва маконда нихоятда муҳим оимил ҳисобланади. Ислол шариа-тида ҳам фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, қизлар тарбиясига. Чунки қиз болаларни тарбия қилиш илк дамларданоқ алоҳида эътибор, ўта эҳтиёткорликини талаб этади. Бу борада йўл қўйилган кичик бир хато ҳам жуда катта афсус ва надоматларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун қиз бола шаъни ҳақидаги ҳар бир сўз алоҳида да ургу, алоҳида салмок бериб гапирилади. У жуда назокатли, ифбатли, иболи, сабр-бардошли, оқила, меҳрибон бўлиши даркор. Унинг исми, жисми, маънавияти, хатти-ҳаракатига ҳамиша ўлчов ўзгача бўлиб келган. Шу боис қиз бола ўсайтган хонадон соҳибларининг кўнглида гурур, сурур, шуур ва қиз шаъни билан боғлиқ ор-номус муҷассам бўлади.

Айни ана шу нозик жихатлар сабабидан Пайғамбаримиз Мухаммад (саллаллоху

алайҳи васаллам) Жобир ибн Абдуллоҳдан (розийаллоху анху) ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Кимнинг учта қизи бўлиб, уларни ўз қўлида тарбия қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга кириши муқаррардир», дея марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Баъзан қиз бола тарбияси ҳақида гап кетса, «Оқ қанд қизга авайлаб ўстирдим» деган ибора ишлатилади. Жуда нозик ўхшатиш. Бунинг замирида қизларга бўлган меҳр ва муҳаббатни кўриш мумкин. Ота-она ана шундай катта меҳр, не-не машаққатлар билан ўстирган дилбандини бир кун келиб, ўзга уйга узатади. Қиз бола юксак эзгу тилаклар билан ёр-ёр садолари остида ота уйини тарқ этаркан, ҳар қандай дийдаси қаттиқ отанинг ҳам кўнгли юмшайди, қўзига беҳишёр ёш келади...

Шунда у дуога қўл очади: «Борган жойингда азиз бўл, туپ қўйиб палак ёз, ўзингдан кўпайгин!» Бу дуо замирида фарзанд бахти бардавомлигининг инъикоси мавжуд. Минг афсус, доим ҳам бу бахт тўла-тўқис бўлавермайди. Баъзи ҳолларда ёш оилаларнинг бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Айнан шундай кўнгилсиз ҳолатларга тўйдан олдин қилинган айрим эътиборсизлик ва хатолар сабаб бўлади. Яъни, тўйнинг дабдабалари билан андармон бўлган ота-она икки ёшининг расмий никоҳдан ўтишига бепарво бўлиши натижаида фақат шаръий никоҳ ўқитилиб, расмий никоҳдан ўтмаган аёл кишининг фуқаролик ижтимоий ҳуқуқи поймол бўлади.

Киши ҳаётида бир марта бўладиган, умр савдоси бўлиши никоҳ масаласи доимо кенг мушоҳада ва кенгаш билан амалга оширилгани маъқул. Шу ўринда Пайғамбаримиз Мухаммад (саллаллоху алайҳи васаллам)нинг қўйидаги ҳадиси шарифларини эсга олиш жоиз: «Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар».

Албатта, никоҳ тўйсиз бўлмайди. Бу қадимдан диёрий мақлада миллий анъана сифатида давом этиб келаётган яхши удумдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз бундай деганлар: «Никоҳ тўйида бир кўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат беринг».

Шунинг учун ҳам икки ёш катта орзу-умидлар билан турмуш қураётганини элга маълум қилиб тўй берилади. Лекин бу ҳам меъёрида бўлгани яхши.

Аллоҳ таоло оила ва никоҳ тўғрисида бундай марҳамат

қилади: «Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳру муҳаббат тўғрисида пайдо қилади. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир» (Рум, 21).

«Никоҳ» арабча сўз бўлиб, эркак билан аёлнинг бирга, жуфт бўлиб яшашлари учун ўрталарида тузилган аҳдни англатади. Никоҳ ҳақиқий бўлиши учун бўлғуси келин ва куёвнинг ўзаро розилиги, гувоҳларнинг иштирок этиши ва маҳр тайин қилиниши шартдир. Никоҳ ила оила қуриш, Жаноб Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) суннатларидандир. У зоти муборақ ҳадиси шарифда: «Никоҳли оила қуриш менинг суннатимдир. Ким менинг суннатимдан воз кечса, у мендан эмас», деганлар.

Биз ушбу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда, турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя этиш билан бирга, мамлакатимизда амалда бўлган қонун ва қоидаларга ҳам қатъий амал қилишимиз зарур бўлади.

Никоҳ, оила доимо долзарб масалалардан ҳисоблаб келинган. Ислол динида ҳам, ҳалқимизнинг одатида ҳам унга эътибор билан қараб, оила мустақкамлигини таъминлашда барча бирдек масъул бўлган.

Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари» тўғрисидаги фатвоси ҳам чиқарилган. Унда: «Шаръий никоҳ шартларига давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисида қабул қилган қарор ва қонунлари ҳам қўйилади. Масалан, келин-куёв шаръий никоҳдан олдин никоҳни қайд қилувчи давлат идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий гувоҳнома олган бўлишлари лозим.

Расмий никоҳдан ўтмаган, ФХДЕ гувоҳномасига эга бўлмаган ёш оилалар ажрашиб, она боласи билан қўнда қоллишини ҳисобга олади-дан бўлсак, шаръий никоҳ шартларига ҳукумат томонидан берилган ФХДЕ гувоҳномасининг бўлишини ҳам муҳим шартлардан бири деб эътибор қилиш ўринлидир. Имомларнинг ФХДЕ гувоҳномасини сурштирмай никоҳ ўқишлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш бўлса, гувоҳномани кўриб, сўнгра никоҳ ўқишлари ҳуқуқий жамият барпо қилаётган бир вақтимизда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир...» дейилади.

Шундан ҳам кўрииб турибдики, оиланинг мустақкам бўлиши, унинг давлат қонун-

лари билан муҳофазаланган ҳолда қурилиши учун имом-хатибларимиз ҳам масъул экан, улар никоҳни ўқиш чоғида юқоридаги фатвога амал қилсалар, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлур эди.

Никоҳ масаласига энг олдин ота-оналар жиддий қарашлари, бир кунлик тўй дабдабаларини эмас, балки фарзандларининг бутун умрлик ҳаётларини ўйлашлари лозим. Шу билан бир қаторда, тўй кунини шаръий никоҳни шошилинч тарзда эмас, балки никоҳ оқшомидан бир кун илгари ўқитсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки имомларимиз никоҳ ўқирканлар, суннати набавияга мувофиқ никоҳнинг аҳамияти, унинг шартлари, оилани мустақкамловчи омиллар ҳақида сўзлаб, ёш келин-куёвларга панд-насихатлар қилишлари лозим.

Давлатимиз қонунчилигида қўрсатилган қоидага кўра, тўйдан бир ой бурун икки ёш расмий никоҳдан ўтиш учун никоҳни қайд қилиш идораларига ариза топширади. Бу пайтда уларга тиббий кўрик-да тўтиш учун йўланма берилади. Тиббий кўрик варақаси тўлатилган ҳолдагина фуқароларнинг расмий никоҳни қайд этилади. Давлатимиз томонидан яратилаётган бу каби шароитлар аслида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бу орқали оила мустақкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Зеро, оилада йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам ўзига хос ўрни, вазифалари бор. Бу вазифа ва масъулиятни адо этишлари, соғлом зурриётларни дунёга келтиришлари учун эса энг олдин ўзалари соғлом бўлишлари керак. Динимиз қўрсатмаларида ҳам оила қурувчиларнинг соғлиғига катта аҳамият берилади.

Демак, ёшлар оила қуришларидан аввал малакали, ўз соҳасининг ётук мутахассиси бўлган шифокорлар кўригидан ўтишлари шарт. Бу ҳам келиннинг, ҳам куёвнинг, қолаверса, жамият пойдевори ҳисобланмиш оиланинг эртанги кунини учун муҳим. Шу боис қизларни «оқ қанд каби авайлаб ўстирган» ота-оналар ҳам, яхши ният билан келин туширган куёвнинг оиласи ҳам бу расмий никоҳга жиддий эътибор қаратмоқлари шарт. Фақат ота-оналар эмас, балки бутун маҳалла, жамият бу ишда ўзаларини масъул санасалар, нур устига нур бўлар эди. Чунки диёримизда эскидан «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган таомилга кўра тўйдан олдин маҳалла оқсоқоллари, кексалар билан маслаҳат қилинган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, катта ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар бу ишга боз кўшсалар, турли кўнгилсизликларнинг олдини олишди.

Хулоса шуки, давлатимиз амалга ошираётган ҳар бир ислохот шу юртда истикомат қилаётган халқ учундир. Шундай экан, ҳар биримиз мамлакатимизда амалда бўлган қонун-қоида ва қарорларга қатъий риоя қилиб, ҳаётимизга табиқ этишимиз даркор.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим, илгарилари қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида ҳам никоҳни қайд қилиш идоралари бўлган. Бу эса ўз ўрнида расмий никоҳдан ўтишининг шартларини осонлаштирарди. Шу тажрибани яна жорий этиш лозим. Бу қонуний никоҳдан ўтмай оила қуришининг олди олинишига ёрдам беради.

Ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётган давлатимиз ёш авлод соғлиги ва бахтини кўзлаб улкан хайрли ишларни амалга оширмоқда. «Соғлом авлод йили», «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти фаровонлиги йили» каби йилнинг барчасидан кўзланган мақсад аҳолининг маънавий-моддий турмуш тарзини юқори босқичга кўтаришдир.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга жуда катта шароитлар яратилди, кенг имкониятлар эшиги очилди, десак сира муволажа бўлмайди. Айнан ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ёш оилаларга ғамхўрлик қўнайотирибди, уларни уй-жой билан таъминлаш, хусусий тадбиркорликларини йўлга қўйиш учун энг яхши шартлар билан қара бериш йўлга қўйилган бўлса, «Мустақкам оила йили» деб ном олган 2012 йилда фуқароларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, аҳолининг соғлигини сақлаш соҳасидаги тиббий маданиятини оширишга янада катта эътибор берилади.

Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилади: «Нега айнан аҳолининг соғлигини сақлаш соҳасидаги тиббий маданиятни оширишга уруғ берилмоқда?» Чунки тиббий маданияти юксак кишилар нафақат ўзларининг, балки ён-атрофидаги инсонларнинг ҳаётини тўғри йўлга қўйишлари, бу орқали эса жамиятнинг юксалтиришлари, натижада, юрт келажагининг буюклигини таъминлашга муносиб ҳисса қўйишлари мумкин. Шу маънода бугун ҳар бир маҳалла, қишлоқ фуқаролари йиғинлари қошида қишлоқ тиббиёт марказлари ташкил этилган.

Аҳолининг доимий равишда тиббий кўриклардан ўтиб туриши, шифокор назоратида бўлиши таъминланмоқда. «Бу эса тиббий кўриқдан ўтиб, ҳам расмий, ҳам шаръий никоҳ асосида қурилган мустақкам оилаларда туғилажак соғлом фарзандларнинг кафолати саналади.

Хулоса шуки, давлатимиз амалга ошираётган ҳар бир ислохот шу юртда истикомат қилаётган халқ учундир. Шундай экан, ҳар биримиз мамлакатимизда амалда бўлган қонун-қоида ва қарорларга қатъий риоя қилиб, ҳаётимизга табиқ этишимиз даркор.

Комилжон БУРХОНОВ
Эзиб олди.
(«Ислол нури» газетасининг 2011 йил 24-сонидан олинди.)

Бола тарбиясида ёш ота-оналарнинг кексалар билан фикри бир жойдан чиқмаслиги ижтимоий-психологик муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Ёш оилаларда бобо ва буви-буваларнинг набиралар тарбиясидан четлаштирилиши қандай қибатларга олиб келишини кўпчилик ҳис қилмайди. Ҳаётимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган ҳикматли гап бекорга айтилмаган. Ўсиб келаётган ёшлар буви-буваларининг миллий маданиятни, қадриятларни, донишмандлик тажрибаларини ўрганади. Шу тариқа авлодлар ўртасида боғланиш вужудга келади.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ — ПАРИСИ БОР

ёки болалар тарбиясида бобо-буви-буваларнинг



Ҳозирги даврда ота-оналар ўта бандлиги тўғрисида ўзаро муносабатларда бўлиш, бир-бирини яхши билмаслик ҳолати юзага келмоқда. Қариялар, аслида, ана шу бўлишқини тўлдириб туради. Аксарият оилаларда ота-она ва бола муносабатларидан кўра бобо-буви ва на-биро муносабатлари кучлироқ ва мустақкамроқ бўлади. Бу икки авлод вақиллари психологик жиҳатдан бир-бирларини яхшироқ тушунадилар. Баъзан ўрта ёшда-

тариш зарур. Кун бўйи иш билан банд ёш ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам бунга вақт топа олмайди. Оқибатда, кўпчилик ўғил-қизларнинг билиш эҳтиёжлари қондирилиши ўрнига «Катта бўлганимда билиб оласан!», «Бунча кўп савол бераверасан, бирпас жим ўтир!» қабилдаги танбехлар билан сўндириб таш-

ланади. Бола билиш эҳтиёжи қондирилган тақдирдагина ақлан рисоладагидек ривожланади. Сўндирилган эҳтиёж эса қайта юзага келмаслиги мумкин. Фарзандларнинг «ҳеч нарсасига қизиқмаслиги»дан нолийдиган ота-оналар бу бефарқлик кўп жиҳатдан ўзларининг лоқайд муносабати билан боғлиқлигини тушунишлари лозим.

М.ФАЙЗИЕВА,
психология фанлари номзоди

ТАРБИЯ МАСЪУЛИЯТИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда оила институтини янада мустақкамлаш, оилаларда ижобий муҳитни қарор топтиришга жисмонан ва маънан соғлом авлодни воғая етказишнинг асосий шарти сифатида қаралмоқда. «Мустақкам оила йили» давлат дастурида ҳар бир оила, ташкилот ва муассаса олдига аниқ вазифалар қўйилган.

М. Уролова, Фаргона давлат университети катта ўқитувчиси: — Тарбия масаласида ота-онанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Илмий мабдаларда таъкидланишича, бола илк ёш даврида ота-онасидан ўрганганини бутун умр эсида сақлайди. Мактабга қадам қўйган, асосан ўқитувчисидан таълим-тарбия олади. Аммо бу борада ҳам сифат ва самара кўпроқ ота-оналарга боғлиқ бўлади.

Э. Мирзажонова, психолог: — Тарбияда жазо, албатта, керак. Баъзи ота-оналар фарзандларига хоҳлаганини қилишга рухсат беради. Бундай тарбия кейинчалик кўплаб муаммоларни туғдириши аниқ. Бола бирор ноқуя ўш қилиб қўйса, жазони кечиктирмаслик зарур ва бунини тўғри аниглаб этиши шарт. Акс ҳолда, ота-онасига қарши бўлиб қолши мумкин. Тарбияда жисмоний эмас, педагогик жазодан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

К. Зоҳидов, Фаргона шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси: — Воғая етмаганларнинг жиноят қўчасига қириб қолшишга йўл қўймаслик барчамизнинг асосий вазифаларимиздан саналади. Бу масъулият оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларини ўзаро ҳамкорликда ишлашга чакирди. Боласини назоратсиз қолдирадиган ота-оналарга маҳалла фаолларининг таъсир қўрсатиши энг самарали усуллардан биридир. Ҳаёт шунини қўрсатаётгани, оилада бола қалбига эзгулик уруғларини қадаш, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини тарбиялаш керак. Баҳодиржон ШОКИРОВ, «Ma'rifat» мухбири

Юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, юксак билимли ва малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу сабабли талабалар, ёш изланувчиларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишлари, илм-фан оламида юксак марраларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тошкент давлат юридик институти 2-хуқуқ факультети 4-курс талабаси Элдор ҲАМРОЕВ ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз билими ва салоҳиятини ошириб бораётган ёшлар сирасига кирди. У ўқиш давомида юқори рейтинг натижаларига эришиб, талабаларнинг илмий-амалий анжуманларида мақола ҳамда тезислари билан мунтазам равишда қатнашиб келмоқда. Муҳими, долзарб мавзулардаги чиқишлари, изланишлари республика миқёсидаги анжуманларда эътироф этилган.

Шiori — «Бугунинг кечадан, эртанг бугундан унумли бўлиши учун олға интил!».

ЮРТГА СОДИҚ ЎҒЛОН БЎЛАМИЗ

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганда ҳали уч ой ҳам тўлмай туриб — 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун, 1993

бошқармасига қарашли физика, математика ва инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб-интернатда таҳсил олиб юрган кезларидек эл-юртга муносиб ўғлон бўлишга аҳд қилди. Мактабда ҳуқуқшунослик, тарих, математика, физика, география фанларини қизиқиш билан



қонунчилиги таҳлили», «Фан ва ёшлар» номли илмий-назарий наشرларда, «Ўзбекистон овози», «Моҳият», «Шарқ зиёси», «Кармана овози» газеталарида, республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида мақолалари билан қатнаша бошлади. Муҳими, изланувчан талаба билганларини, изланишлари моҳиятини бошқалар билан муҳокама қилишни, шу мавзуда бахс-мунозараларга кири-

Barkamol avlod — yurt kelajagi

таев, Ш.Озодзода билан), «Хуқуқшунос тарғиботчилар учун қўлланма» (О.Файзиев, Д.Хусаинов билан) ўқув-услубий, ўқув қўлланмалари; «Марказий Осиё мамлакатларининг давлат бошқарув шакллари», «Давлат ҳокимиятини демократлаштиришда парламент ислохотларининг зарурати» (Ш.Зулфқоров билан), «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жиноят ҳуқуқининг манбаи сифатида» номли илмий-оммабоп рисо-лалари чоп этилди.

Айни вақтда изланувчан йигит «Давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришда парламент ислохотларининг ўрни ва зарурати» мавзуда изланишлар олиб бормоқда. Элдор Ҳамроев тадқиқот йўналиши, изланиш моҳияти тўғрисида гапирар экан, қуйидаги фикрларни алоҳида қайд этди: «Ҳокимиятлар бўлиниши принципи мубо-фик, қонун чиқарувчи ҳоки-

парламент ислохотларини босқичма-босқич ўрганишни талаб қилади. Шу маънода ёш тадқиқотчи Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган парламент ислохотлари, уларнинг давлат ҳокимиятини демократлаштиришдаги аҳамияти, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига» (78, 80, 93, 96, 98-моддаларига) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг миллий парламент таризини ривожлантириш бора-расида тутган ўрнини ривожланган демократик давлатлар тажрибаси билан солиштирган ҳолда таҳлил қилганлиги эътиборга сазовордир.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Тинимсиз ўқиш-изланишлар, муваффақиятга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар иқтидорли талабага иззат-обрў келтирди. Чунончи, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан таъсис этилган Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурида иштирок этиб, 2010—2011 ўқув йили учун стипендия соҳиб бўлди. 2011 йил Элдор учун янада қувончли келди. Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Балли, ҳуқуқшунос-лар» республика кўрик-танловидида «Энг яхши ҳуқуқ билимдони» номинацияси ғолиби бўлди. Айнан шу йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танловидида ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Унинг бундай утуқларга эришишида устозларининг хизмати беқийс. Элдор нуфусли танловлар, фан олимпиадаларида иштирок этар экан, доимо уларнинг мада-дини ҳис қилиб туради.

— Бирор беллашувга йўл олишимдан олдин устозларим оқ йўл тилаб, ишонч билдиришади, — дейди Элдор Ҳамроев. — Бундай ишонч мен учун улкан масъулиятдир. Шундай паллаларда мактабда, чуқур билим берган ўқитувчиларимни ҳам мамнуният билан эслайман. Олий таълим муассасасида ҳам тақдир мени меҳрибон мураббий, закий устозга йўлқитди. Илмий раҳбарим, юридик фанлар доктори, профессор Қумринисо Абдурашулова иккинчи курслигимдан оқ йўл-йўриқ кўрсатиб келади. У нафақат юридик фанлар соҳасида кўзга кўринган мутахассис, балки меҳрибон устоз ҳамдир. Қатор вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари ва олий таълим муассасалари томонидан диплом, стипендия, сертификат ва faxрий ёриқлар билан тақдирланганим, юксак эътироф — Президент стипендиати бўлишимни ҳам устозлар меҳнатининг эътирофи, муқофоти, деб биламан.

Қурбонбой
МАТКУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

МУВАФФАҚИЯТ — ИЗЛАНИШ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТДА

йилнинг 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармон асосида ўқувчиларнинг истеъдодини намоён этиш ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият берилиб, талаба ва аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси таъсис этилди. Кейинчалик мамлакатимиз таълим тизими жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишига хизмат қилган қатор давлат дастурлари қабул қилинди. Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох этишга йўналтирилган йиллик харажатлар яппи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини, бу тизимнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши эса 35 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда.

Шулар ҳақида ўйлар экан, киши ўзида аллақандай куч-шижоат ҳис этсади, ўз орзуларини она юртининг келажаги билан боғлаб, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилади, ўзига ишонч ортиб, улкан мақсадлар сари қатъий интилади.

2011 йили ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар йўналиши бўйича Президент стипендияси соҳиб бўлган Элдор Ҳамроев ҳам ана шундай соф туйғу, эзгу ниятлар ила улғайди. У 1997—2003 йили Навоий вилояти Кармана туманидаги 13-мактабда, 2003—2007 йиллари Навоий шаҳридаги вилоят халқ таълими

ўзлаштирди. Шахмат ўйнаш, бадий, детектив ва геосиёсий адабиётларни ўқиш сеvimли машғулотига айланди.

Талабаларнинг биринчи йилиёқ Элдор Ҳамроев юқори рейтинг натижаларга эришиш билан бирга, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларида, мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларда, шунингдек, кўрик-танлов, олимпиада, конференцияларда фаол қатнашиб келаётди.

Айтиш жоизки, кўрик-танлов ва олимпиадалар талабанин ўз билими ва имкониятларини, шу жумладан, ўз камчиликларини билиб олиши, келгуси ўқиш ва ишларида яна қандай жиҳатларга эътибор бериши лозимлигини ўргатади. Бу каби тадбирларда қўлга киритилган ҳар бир ютуқ кишини янги марралар сари қорлайверади. Шу тариқа бугунги ёш, билимли ва истеъдодли талабанин аста-секинлик билан азми қатъий, шижоатли ва етуқ малакали кадрга айланиши учун замин ҳозирланади. Илмий-амалий конференциялар эса билим ва ақлий қобилиятни ишга солиб, фаннинг кичик бир мавзусида ўз нуқтаи назарини илгари суриш, уни бошқаларга ҳам тушунтира олиш ва ҳимоя қилиш учун ўзига хос майдон вазифасини ўтайди.

Институт миқёсидаги, олий таълим муассасалари аро ўтказиладиган кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар зукко йигитни ҳар томонлама тоблади, «Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси», «Ўзбекистон

иштини одат қилди. Бундай таомил, тартиб унинг нутқини ривожлантирди. Зукко йигитнинг ўзи бун шундай изоҳлайди.

— Китобларимни тартибга солаётим, Шарқнинг буюк мутафаккири Кайковуснинг қуйидаги ҳикматига кўзим тушди: «халқ олдида гапирганда сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзини халқ қабул қилсин. Халқнинг сенин сўз билан баланд даражага эришганинги билсин, чунки кишининг мартабасини сўз орқали билади-лар». Умуман, Кайковуснинг «Қобуснома»сини ўқиб, ҳар бир йигит-қизнинг нутқ маданиятини эгаллаши зарурлиги, ҳикматлар, панду насихатлар барчани эзгу амалу яхшиликларга қорлашини ағлаб етди. Инчунин, биз таълим олаётган соҳа мутахассислари қамолида сўз санъати алоҳида ўрин тутади.

«МУВАФФАҚИЯТНИ САЪЙ-ҲАРАКАТДА КЎРДИМ...».

Улуғ алломаларимиздан бири айтган бу фикр ҳам қахрамонимиз қундалиқ ишининг моҳиятига айланди. Долзарб мавзу устида ишлаш ва изланиш, режали фаолият юритишга одатланди. Изланишлари самараси ўлароқ, талабалик йилларидаёқ қатор ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисоалар муаллифи сифатида танилди. Шу кунга қадар унинг муаллифи ва ҳаммуаллифидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги қонунни ўрганиш юзасидан схема ва саволлар» (О.Файзиев, Д.Хусаинов билан), «Тиббий хизмат кўрсатиш: ҳуқуқий асослари ва ривожлантириш истикболлари» (Ж.Йўлдашев, М.Бол-

мият давлатнинг олий вакиллик органи — парламент томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда парламент фаолиятини такомиллаштириш, унинг олий вакиллик, қонун чиқарувчи ва назорат органи сифатидаги мақомини кучайтиришга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу 2010 йил 12 ноябрда муҳтарам Президентимиз томонидан эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида, биринчи навбатда, айнан парламент фаолиятини такомиллаштиришга аҳамият берилаётганлиги билан ҳам изоҳланади.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламентнинг ҳозирги давргача бўлган фаолиятини таҳлил қилиш бу борада ислохотларнинг бардавом эканлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти ўз ишини бошлагандан буюн Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига уч маротаба (2007 йил 11 апрелда, 2008 йил 25 декабрда ва 2011 йил 18 апрелда) ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда ҳар учала ўзгартириш ҳам бевосита парламент фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ эканлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур ўзгартиришларнинг моҳияти ва заруратини тушуниш эса Ўзбекистонда бундан қарий йигирма йил олдин бошланган

Инсон ўтган болалигини соғинч билан ёдга олади. Шунда ўзи ҳам бир зум болага айланади. Ҳаётини болалар оламига бағишлаган, уларнинг қувончу ташвишларига ошно бўлган, 80 ёшни қораласа-да, ҳамон боладек содда, беғубор инсон — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Яйра опа Саъдуллаева билан суҳбатимиз болалар матбуоти ҳақида бўлди.



Яйра САЪДУЛЛАЕВА:

— Яйра опа, болалар журналистикаси мавзуси кўпчиликни қизиқтиради. Сиз 32 йил болалар журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлагансиз. Болалар оламини жуда яхши биласиз. Айтинг-чи, катталар журналистикаси билан болалар журналистикаси орасида фарқ борми? Умуман, болалар журналистикаси қандай бўлиши керак?

— Фарқ бор, албатта. Болалар журналистикаси — қийин соҳа. Маҳорат билан бирга болаларга нисбатан ўта яқинлик, оналарга хос меҳр бўлиши керак. Ўзини ўраб турган муҳитни, ташқи дунёни болаларча кўра олиш жуда муҳим. Катталар матбуотида айтиладиган саҳифа-саҳифа гапларни ярим ёки бирор қогозда ифода-лашга мажбурсиз. Чунки боланинг қабул қилиш қобилияти ва сабри шугинага етати баъзан. Мен кичкин-тойларни назарда тутаяпман. Ёки, дейлик, болаларга бир ўйин ҳақида ёзмакчисиз. Ўша ўйинни болалар билан бирга ўйнашингиз керак. Ана ўшандагина боланинг дилидан нима ўтаётганини, у нимани ҳис этаётганини биласиз, унинг ҳолатига кира olasiz. Болалар журналистнинг зийраклиги ҳам шунда. Айтишди-ку: "Нихолни қандай парвариш қилсанг, шунга яраша ҳосил-ини олсанг", деб. Болалар учун ёзилган матнда (у хоҳ мақола бўлсин, хоҳ лавҳа) "бугунги ҳаёт", "замон талаби", "тарбия" каби сўзларни қўллагандан давр руҳини сингдириш керак. Хар бир сўз болани тарбиялашга, уни тўғри йўлга бошлашга хизмат қилиши лозим.

Болалар журналистлари мен езгулик тарғиботчи-лари деб атаган бўлардим. Бу соҳада ёзадиганлар ҳалол, покиза, содда ва ростгўй бўлишлари зарур. Албатта, болаларни яхши кўриши ҳам керак.

— Ҳаётингизда болалар журналларининг ўрни катта бўлганлиги сўзларингиздан билиниб турибди. Келинг, энди "Гулхан", "Гунча" журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлаган даврларингизни эсласан...

— Ўша вақтлари худди синчалак каби. Ўпчил, довурак ва янгликча ўч эдим. Мирзачўлда ёшлар етакчиси бўлиб ишлаб қайтганимдан сўнг мени "Гулхан"га бош муҳаррир этиб тайинлашди. Кенг далаларда юрган эмас-манми, хонада сиқилиб кетардим. Кўникишим осон бўлмаган. Ўзимга-ўзим «Ях-

шиямки, дераза бор экан, атрофни томоша қиламан. Яхшиямки, хонанинг эшиги бор экан, чиқиб кета оламан», деб кўп ўйлардим. Муҳаррирликни бошлаганимда болалар ҳаётини яхши билмасдим. Шу сабабли кўп қарама-қаршиликларга дуч келганман. Лекин ана шу қаршиликлар мени пиштди. Ишга нисбатан қайсар одамман. Бир ишни бошладимми, уни муваффақиятли якунлашим керак. Етти йил "Гулхан" журналида бош муҳаррир бўлдим. Сўнгра мени "Гунча"га таклиф қилишди. Ишонасизми, шунча хурсанд бўлганманки... Ўша кундан "Гунча"ни бош-қача сева бошлаганман. Унга боз меҳримни бериб ишладим. Хурсанд бўлганимнинг яна бир боиси, икки қизим "Гунча" ёшида эди. Журналга уларнинг кўзи билан қарардим. Ўшанда болалар учун жуда қизик бўлган кўп нарсаларни англаганман. Хар икки соннинг бирида ходимлар билан бирга журналга янглик киритардик. Бор кучимни, фикримни, ўйларимни "Гунча"ойга берардим, агар ундан ортсам, кичкинтойларга ҳикоялар ёзардим. Журнал тахририятда ишлайётган ходимлардан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Хар сон режасини тузаётганда, албатта, йиғилардик. Биласизми, бу йиғилишни мен катта одамлар билан эмас, худди бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказаяётгандек бўлардим. Агар навбатдаги сонга бири топишмоқ бермоқчи бўлса, "...топинглар-чи, нима бу?" — деб ўртага ташларди. Тез айтиш ёзган одам, олдин ўзи айтарди, ҳайвонлар тилидан ҳикоя ёзган ходимимиз худди боладек шуни ўқиб берарди. Четдан қараганда, бу кулгили туюлар, лекин бора-бора, мен ҳам шуларнинг ичига кириб кетганман. Бу ишга бўлган мухаббатдан дарак, аслида. Журналда ишлаган хар бир ходим ўз ишига нисбатан ана шундай меҳрли, фидойи эди.

Яна битта мисолни ай-

тай. Журналга болаларни кўпроқ қизиқтирмакчи бўлдик. Болажонларга "Агар сизда кўп пул бўлса..." деб савол ташладик. Бу жумлани давом эттирган мактубларнинг охири бўлмади. Кимдир стадион қураб эдим, яна бири, велосипед олардим, яна бири, маза қилиб музқаймоқ олиб ердим, деб, ҳуллас, болалар журнални сирдош тугтиб, дилидагиларни изхор этдилар. Ҳозир шу ҳақда кўп ўйлайман, ўша вақтдаги болаларнинг орзуси ҳозир рўёбга чиқмадими? Чикди! Улар хоҳлаган кўнлар келди-ку... Қизларимиз гимнастика, кураш билан шугулланаяпти, янги боғча, мактаб, тўғарақлар, стадионлар, эҳ-хе, энди булар орзу эмас. Уларга бутун мамлакат, Ўртбосшимизнинг шахсан ўзи эътибор қаратмоқда, ғамхўрлик қилмоқда. Чунки болаларнинг ўша орзулари ўзлари каби беғубор эди. Шунинг учун ҳам ушалди. Болаларни орзу қилишга қўйиб беришимиз керак.

— Ҳозирги глобаллашув даврида янги ахборот технологиялари ҳаётимиздан кенг ўрин олмоқда. Бу технологияларни қўллашда катталардан кўра болалар уқувлироқ. Ана шундай даврда нашрларнинг бугунги мазмунини болаларнинг эҳтиёжларига жавоб бера оладими?

— Ҳа, бу ҳақда мен ҳам кўп ўйлайман. Гоҳида, ёзганларим болалар учун жўн эмасмикан, деб ўзимга-ўзим савол бераман. Бунга қатъий «ЙЎҚ», дея жавоб қайтараман. Техника ўсаверади, янги ўйинлар, янги томоша-лар кириб келаверади. Лекин маънавият қадри бўлиб қолаверади. Сўз шакллари ўзгариши, мазмун турли йўсинда талқин этилиши, янги сўзлар қўйилиши мумкин, бироқ моҳияти ўзгармайди.

Мисол учун, бувиларимиз аввалдан айтиб келган "Ноннинг ушоғи ҳам нон", "Катталарга хурматда, кичикларга иззатда бўлиш керак" деган сўзлар ўзгардим, ўзи-

нинг таъсирини йўқотдими? Йўқ. Хали ҳам ўз кучида турибди. Маънавият, тарбия мулоқотда, тилда, болалар учун ёзилган хар бир матнда бўлади. Айтмоқчиманки, катта-катта матнларни бериб, бошида "Азиз болажонлар!" ёки "Болалар" деб мурожаат қилиш, бу — болаларга атаб ёзиш, дегани эмас. Ундан кўра ўша азиз кичкинтойлар дунёсини, ўй-қарашлари, хоҳиш-истакларини матнда акс эттиринг! Болалар учун ёзилган матнларда ўзбек тили бойлиги-

зиш осон эмасди. Бугун эса уни компьютернинг биргина "сиқонча"си бажараяпти. Аммо барибир қўлда чизилган суратнинг жозибаси ҳам, завқи ҳам бошқача бўлади. Болани кўрқитадиган расм керак эмас, балки завқ берадиган, кайфият уйғотадиган суратлар зарур. Техника хар қанча ривожланса ҳам, қадриятлар ўзгармаслиги, журнал ўзининг яхши аъёналаридан воз кечмаслиги керак.

— Маҳорат масаласи-чи?

— Маҳорат туғма бўлади. Бу Аллох томонидан берилган имконият, деб ўйлайман. Уни қўлдан бой бермаслик ва доим ривожлантириб бориш лозим. Мен болалар учун ёзадиган ижодкорларга фақат бир нарсани айтган бўлар эдим: кичкинтой юраги — Ватан ичра Ватандир, уни ҳис қилмоқ ва асрамоқ керак...

— Болалар нашрларининг бош муҳаррирлари учун сизнинг тахрибангиз маҳорат мактаби саналади, десак, муболага бўлмас. Сизнинг наздингизда, бош муҳаррирликнинг ҳам мактаби бўлади-ми? Умуман, замонавий болалар нашрлари бош муҳаррирлари қандай бўлиши керак?

— Жудаям унчалик эмасдир-ов. Лекин... Хар қалай, тахриба иш давомида ортиб боради. Нима учун тўғри келган ижодкор бош муҳаррирликка тайинлана-вермайди? Чунки ҳамма ҳам ўз ортидан бошқаларни етаклаб кетолмайди-да. Унда ё қобилият, ё тахриба кам бўлади. Аввало, бош муҳаррирнинг тахрири кучли, ўз соҳасининг билимдони бўлиши керак. Янгликни илғай оладиган, ходимларига янги гап айти оладиган инсон бўлиши зарур. Иккинчидан, бош муҳаррир мамлакат сиёсатидан, содир бўлаётган жараёнлар моҳияти ва ташқи дунёдан бохабар бўлиши лозим. Учинчидан, бирор-бир нашрга муҳаррирлик қила бошладими, келган жойида ижодий муҳитни яхшилаш зарур. Яна, босиқ, сабр-қаноатли, муомалали бўлиши шарт, деб ўйлайман. Чунки тахририятда турли ҳаракатдаги, турли кайфиятдаги одамлар ишлайди. Ўшаларнинг ҳаммасини бош муҳаррир бир мақсад сари етаклайди. Тўртинчидан, жамоа ичида ўз обрўсини сақлаши керак. Ҳеч қачон босган қадамни учун ходимлар олдида юзи шувит бўлмасин. Халолчи, узокни кўра олиш оддий хислатларига айлансин. Аввало, ўзида интизом бўлиши зарур. Ходимларининг аҳволидан доимо хабардор, кези келганда, уларга суянч-таянч бўлиши керак.

Мен — ёши анча улғайган, аммо кўнгли ҳамон ёш, ўшқин олангиз, барчангизга ижодий камолот, кўтаринкилик, юрт қорига доим яраб юришингизни тилайман.

Суҳбатдош:
Эътиқодхон ОТАКУЛОВА,
ЎзДЖТУ магистранти

КИЧКИНТОЙ ҚАЛБИ — ВАТАН ИЧРА ВАТАНДИР!

дан кўпроқ фойдаланиш керак. Яна ёш авлод билан катта авлод ўртасида кўпроқ мулоқотлар ташкил этиш лозим. Тил бойлиги ўшанда ривожланади. "Гунча" журналининг ўз тили бор. Шуни сақлаш, асраш керак. Нафислик нашрнинг доимий хислати бўлиб қолишини истайман.

— Болалар учун мавзу танлашнинг ўзи жиддий масала. У ижодкордан маҳорат талаб этади. Шу билан бирга, болаларнинг ўзларини журналга жалб қилиш машаққатли иш. Сиз муҳаррирлик қилган даврда бунга қандай уддалагансизлар?

— Тўғри, болалар эътиборини қозониш машаққатли. Доим кичкинтойларга яқин бўлишга ҳаракат қилардим. Гоҳида мавзу танлаш учун автобус, трамвайларда кўпроқ ёши улуг одамлар олдида бориб турардим. Айникса, ўзаро суҳбатларини жон қулоғим билан эшитиб, ўзим учун, ҳеч бўлмаганда, битта янги сўз ёки мавзу топардим. Мавзунинг хонада ўтириб эмас, атрофдан, оддий одамларнинг гап-сўзларидан излардим. Ўша вақтлари тахририятимизга ишчи пухта билган, зўр расомлар жалб қилган эди. Уларнинг ташаббуси билан "Ўзинг яса", "Бизнинг театр" рукнларини ташкил этдик. Зумрад, Қиммат ва бошқа эртақ қаҳрамонлари суратини берардик. Болалар шуни кесиб олиб, орқасига картон ёпиштириб, театр қўйишарди. Иллари торта, Зумрад ҳовли супуради. Шу саҳифа учун журналнинг икки varaгини ахратганмиз. Болаларни қўл меҳнатига ўргатиш учун хар хил танловлар ўтказардик. «Сехрли бармоқлар», «Қўлларимни синиб кўраман» каби танлов ғолибларининг ишлари тахририят қошида ташкил этилган кўргазмага қўйиларди.

Расомларимиз хар бир ҳикоя, шеър, топишмоқ ёки мақолага чизган суратлар болаларга эстетик завқ берарди. Бундай расмларни чи-

Пул — бу бошқа товар ёки хизматлар қийматини белгилувчи ўзига хос эквивалент вазифасини ўтайдиган восита. Унинг ёрдамида бошқа маҳсулотларнинг қиймати белгиланади, шу боис пул билан уларни оsonликча харид қилиш (айирбошлаш) имкони бор. Бундай қиймат белгилаш орқали турли товарлар баҳосини бир турдагиси билан қулай шаклда ўлчашга эришилади.

Қадимда, давлатларнинг илк шаклланиш даврида пул воситалари асосан танга шаклида чиқарилиб, кенг муомалага киритилган. Асл маъноси туркий «тамга» сўзидан келиб чиққан тангалар металл (олтин, қумуш, мис)дан ясалган. Бугунги кунга келиб эса, миснинг турли қоришмалари (никел ва алюминий)дан ясалган тангалар тўлов воситасига айланган. Овалсимон ёки думалоқ шаклдаги тангалар фойдаланиш учун жуда ҳам қулай. Тангалар аверси (юзи) ва реверси (танганинг орқа томони), гурти (чети) орқали фарқланади.

келинган. Маэкур тангаларнинг намуналари ҳозирги кунгача сақланган. Шунингдек, Салавийлар ҳукмдорларидан бири Антиох I Сотер томонидан милoddан аввалги 280—261, Юнон-Бақтрия подшоши Эвтидем I томонидан милoddан аввалги 235—200, Деметрий I томонидан милoddан аввалги 200—185, Евкратид I томонидан милoddан аввалги

Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида олтиндан «тилла», қумушдан «танга», мисдан «пул» (чақа) деб аталадиган тангалар зарб қилинган.

Қоғоз пуллар пайдо бўлиши билан муомалада танганинг роли кескин пасайди. Асосан XX асрдан бошлаб, танга қоғоз пулларни майдалаш ва майда тўлов воситаси сифатида



ЗАРБЛИ ПУЛ ВОСИТАЛАРИ...

Манбаларда айтилишича («ФизОрг» электрон саҳифасида) дастлабки тангалар милoddан аввалги VII—VIII асрларда Лидия давлати, Юнонистоннинг Эгина оролида ва Кичик Осиё мамлакатларида пайдо бўлган. Мутахассисларнинг эътирофи айтишича, пул-товар маҳсулотларининг ривожланиши билан тангалар талаб юзага кела бошлаган. Улар товар айирбошлашда эквивалент ролини баҳарган бошқа буюмлардан

фарқ қилиб, универсал тўлов воситаси ҳисобланган. Қадимги тангалар тасвир ва изоҳлар билан зарб этилган. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл тангалар милoddан аввалги VI асрда Доро I даврида зарб этилган. Улар «Дарик» деб номланган тилла тангалар бўлиб, ҳар бирининг оғирлиги 8,4 граммни ташкил этган. Бу тўлов воситалари милoddан аввалги I—III асрларда ва ундан кейинги давлрларда ҳам зарб этиб

171—155, Парфия подшоши Митридат II томонидан милoddан аввалги 124—88 ва сак ҳукмдорларидан бири Гермей томонидан милoddан аввалги 75—55 йилларда зарб этилган қадимий тангалар ҳам мавжуд.

VIII асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланганидан сўнг савдо муомаласини амалга ошириш учун вази 4,3 грамм бўлган олтин динар, маош ва солиқлар тўлови учун вази 2,8 грамм бўлган қумуш дирҳамлар ва кундалик савдосотиқ учун мис тангалар — фулуслар зарб этилиб, муомалага киритила бошланган, дейилади membrana.ru сайтида. Соҳибқирон Амир Темури даврида Самарқандда тангалар зарб этиш учун махсус зарбхоналар ташкил этилган. Илк намуналар сифатида туркий номда «танга» деб аталадиган, вази 4,5-4,7 грамм бўлган қумуш тангалар, вази 2 граммни ташкил этган олтин динарлар ҳамда вази 1,8 граммдан иборат қумуш мирилар зарб этила бошланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида

мамлакат асосий пул бирлигининг муайян қисмини — сўм, (тийин), доллар (цент), евро (цент), лира (пенс, центезимо) ифодалаб, ишлатилиб келинмоқда. Олтин ва қумуш тангаларнинг чиқарилиши эса тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютаси — сўмни муомалага киритгандан сўнг жездан ясалган ва никель билан қопланган тангалар зарб этиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, республикада муҳим саналарга бағишлаб эсдалик ва нумизматик аҳамиятга эга бўлган кўплаб юбилей тангалар зарб этила бошланди. Дастлаб 1994 йили Мустақилликнинг 3 йиллигига бағишлаб 10 сўмлик, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб 1 сўмлик, 1996 йил 1 сентябрда Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 100 сўмлик ҳамда 1998 йилда Алишер Навоий, кейинчалик эса Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мусо ал-Хоразмий каби буюк алломалар портретлари туширилган юбилей тангалар зарб этилди,



Bilasizmi?

дейилади «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси»да.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўз фаолиятини олиб бораётган бир қатор музейлар, жумладан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатагон қўрбонлари хотираси музейи, Санъат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи ва Тасвирий санъат галереясида турли давлрларга тегишли бўлган бир қатор қадимий тангалар сақланмоқда.

Тангалар зарб этиш ва уларни тўллаш Европа давлатларида ҳам қадим давлрлардан мавжудлиги турли археологик изланишларда маълум бўлмоқда. Сўнгги янгиликларга кўра, Буюк Британиянинг Бас деб номланган тарихий шаҳрида археологлар 30 мингта қадимги Рим тангасини топишга муваффақ бўлдилар, деб ёзади мамлакатнинг «Дейли Телеграф» нашри. Топилган қумуш тангалар милодий 270 йилда зарб этилган. Ҳозирча уларнинг қиймати 150 минг фунт стерлинг дея баҳоланмоқда. Тангалар Лондоннинг Британия музейига батафсил текширувдан ўтказиш учун жўнатилган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, Буюк Британия ҳудудида топилган бу тангалар қиймати бўйича бешинчи ўринда турадиган ҳазина ҳисобланади.

Қадимги ва ҳозирги тангалар инсоният тарихининг бебаҳо тимсоли сифатида нумизматлар томонидан ўрганилиб ва тадқиқ этиб келинмоқда. Умуман олганда, ўтмишда ҳам, бугун ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос тангалари бўлиб, бу пул воситаларининг омма томонидан кенг муомалада бўлиши ижтимоий ҳаётнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Гулрух АМИРОВА,
Фазилат ТУРГУНОВА,
Қамолиддин Беҳзод
номидаги миллий
рассомлик ва дизайн
институтини Санъатшунослик
факультети талабалари

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

«Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!» деган қўшиқчи ҳар сафар тинглаганимда, бошимдан кечирган кунлару азоб-қубатлар ёдимга тушади. Биз — иккинчи жаҳон уруши энди бошланган йиллари туғилганлар не оғир кунларни кўрмадик. Эсимизни таниб улгурмай онамиздан айрилганмиз. Яна қай бирини айтмай, оёгини танк мажақлаб кетган ногирон отамиз билан олти фарзанд чорасиз қолганимизни, турмуш ташвишларида ҳар кун миңг бора ўлиб, миңг бора тирилганимизни!.. Уларни гапиришга ҳатто тилим ожизлик қилади.

Чиндан ҳам атроф-муҳитдан ўзга таянчимиз йўқ эди. Айнан шунинг учун ҳозирги бахтиёр авлодларимизга жуда-жуда ҳавасим келади! Ҳа, бизнинг мустақил Ватанда ўғил-қизларимиз ҳар қанча фахрланса аризулик шариоатда яшайдилар. Ўртбошимиз раҳнамоллигида нафақат шаҳар, қўрғон ва қишлоқларда, балки энг чекка кичик-кичик аҳоли турар joyларида ҳам замонавий таълим-тарбия масканлари, кўркам тиббиёт мажмуалари, спорт иншоотлари барпо этиляпти. Улар барча керакли жихозлар билан тўлиқ таъминланган. Хуллас, яйраб-яшнаб би-

лим олиш, меҳнат қилиш ва яшаш учун зарур шароитлар муҳайё. Демак, энди бор куч ҳамда имкониятларимизни ишга солиб, она Ватан равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида барчамиз, айнқса, баркамол авлод ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи ҳам қарз, ҳам фарз.

Даставвал оилаларда тўғри ва яхши тарбия, таълим масканларида ҳар тарафлама чуқур билим олаётган фарзандларимиз ушбу маъсулятини тўла-тўқис ҳис этиб, Ватанга муносиб эканликларини амалда исбот этмоқдалар. Айнан шундай йигит-қизларимиз ҳур Ўзбекистоннинг довлругини бутун олам узра тобора кенгроқ ёймоқда. Эндилқда баркамол ёшларимиз дадил-дангал кириб бормаган бирон-бир соҳа қолмади ҳисоб. Улар замонавий техника ва технологияларни, билимлару ҳунарларни, хорижий тилларни шу қадар шиддат билан ўзлаштираётганларини кўргач,

қойил қолмай илож йўқ. Улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Фарзандларимизнинг ҳаётдаги ўрни, келгусидаги орзу-режалари рўёбга чиқиши учун биз катталар масъулмиз. Турмушимиздаги ҳар қандай кемтикни, у бартарф этиб бўлмас даражага ўтиб кетмасдан бурун изга солишимиз зарурлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ҳозир атроф-муҳит мувозанати қай аҳволда ва ёшларимизнинг унга муносабати қандай?

Биз истаимизми-йўқми, ҳаёт ўз ҳукмини ўтказавради: ёшлар улғаяди, ота-оналар кексайиб, авлодларга ўз ўринларини бўшатиб беради. Фарзандларимизга она табият, жаннатмакон юртимизнинг бойликлари мерос бўлиб қолаверади. Табиат муҳофазаси масаласига доир турли йигинлар, давра суҳбатлари, учрашувлар кишига анча таскин бергандек бўлади. Бироқ бу

борада ҳар доим ҳам сўз ва иш бирлиги таъминланаяпти, деб бўлмайти. Аҳёна-аҳёнда бўлса-да, ёшларимизда ўзини ўраб турган атроф-муҳитга нисбатан бефарқлик, гўёки уларнинг бирини одамзот ҳаётига алоқаси йўқдек тушуниш ҳолатлари учраб туради.

Бу ҳол мен — ёши етмишдан ошган табият жонқуярини ташвишга солди. Фарзандларимиз табият муҳофазаси бўйича катта-кичик муаммолар бўйлигини англаган ҳолда ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлашга ўз ҳиссаларини қўшмоғи лозим!..


«Ёшлар» телеканали ижодкорлари ўтган йили бутун Ватанимиз бўйлаб чиқиндиларга нисбатан эътиборсизликни намойиш этиб берди. Ундан барча томошабинлар баравар хурсанд бўлиб, ёшларни олқийшладди. Негадир бу шиддат кўп ўтмай ўчди. Бошланган ташаббус чала қолдирилса, оқибати салбий бўлади. Ҳеч қачон ярим йўлдан қайтмаслик керак. Улуғвор ишлар, юксак зафарлар учун доимо шай туриш фарзандларимизнинг асосий вазифаси бўлсин! Биз каби ёши улўғлар эса уларнинг ёнида мудом мададкор бўлишга интилайлик.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

«ОЛТИН СТАНДАРТ» ЯНГИЛАНДИ

Сингапур олимлари бугунгача маълум бўлган парранда гриппи штамларини аниқлаш имкониятига эга ташхис мосламасини яратишди. Бу маълумот «Medical Xpress» нашри хабарида келтирилди.

Янгилик муаллифлари — Терапевтик тажриба маркази ходими доктор Масафуми Иноу ҳамда Тан Ток Шэн (Tan Tock Seng) шифохонаси ходими Тимоти Баркхэмнинг айтишича, бу усул тескари транскрипцияли полимер занжирли реакцияга асосланади (RT-PCR). Ушбу мослама H5N1 вирусининг тўртта штаммини аниқлаш имконини берувчи аввалги усулнинг яхшилланган кўриниши ҳисобланади.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган «Олтин стандарт» усули H5N1нинг маълум штамларидан фақат ўндан уч қисминигина аниқлашга қодир эди. Сингапур олимларининг мосламаси ёрдамида бир неча соат ичида бемор парранда гриппининг қайси штамми билан касалланганини топиш мумкин. Ташхис мосламаси Жануби-Шарқий Осиёнинг қатор шифохоналарида қўлланилмоқда.

Парранда гриппи ҳайвонларда кўпинча яширин кечадиган ва аксарият ҳолларда ўрдак, гоз каби сувда сузувчи ёввойи паррандаларни зарарлайди. Юқори патоген H5N1нинг инкубацион даври анча узокқа чўзилади ва 2–8, баъзан 17 кунгача давом этади.

ЭРКАКЛАР ТОЗАЛИККА ЭЪТИБОР БЕРМАЙДИ(МИ?)

Эркаклар тозалikka аёлларга нисбатан камроқ эътибор қаратиши олимларнинг тадқиқотларида ўз исботини топди. Ходимларнинг катта қисмини эркаклар ташкил этадиган корхона ва ташкилотларда аёллар ишлайдиган жойларга қараганда, бактериялар кўпроқ бўлиши ҳақида The Daily Mail нашри маълум қилди. Тадқиқот муаллифларининг фикрига кўра, изланиш натижалари эркакларнинг қўл ва тишларини нисбатан камроқ ювиши ва табиатан «пала-партиш-ликка мойил» эканини кўрсатган.

АҚШдаги 90та ишхонадан олинган 450та ДНК намунасини таҳлилдан ўтказгач, 500 турдаги бактерияни аниқлаган олимлар уларнинг асосий манбаи инсон териси, бурни, қулоқлари ва ички аъзолари экани, бошқалари эса пойабзал ёки кийим орқали ташқаридан кириб келишини таъкидлашди. Манбада микроорганизмлар кўп тўпланадиган жой — телефон ва курсилар, кейинги ўринда эса стол ва клавиатуралар деярли келтирилган. Тадқиқот раҳбари, Сан-Диегодаги Калифорния университети ходими доктор Скотт Келлининг гувоҳлик беришича, эркаклар ишлайдиган ишхоналар нисбатан тез йиқилганини гигиеник одатлар билан изоҳланар экан.

Лондон гигиена ва тропик тиббиёт мактаби ходими, доктор Вэл Кертиснинг «Daily Mail»га берган маълумотида кўра, аввалги тадқиқот давомида эркакларнинг қўли аёлларникига қараганда кийрак эканлиги аниқланди. Эркаклар гигиенага жиддий эътибор қаратишмайди ва бу микроорганизмлар ривожланиши учун қулай муҳитни вужудга келтиради. Абердин университети бактериология профессори Хью Пеннингтон бунга эътироз билдириб: «Бу шунчаки табиий жараён, бактериялар эса бизни касалликлардан ҳимоя қилади» деди.



ДЕЛЬФИНЛАР ХАЛОКАТИГА НИМА САБАБ?

Олимларнинг аниқлашича, жорий йил бошида Перунинг шимолий қирғоғи яқинидан топишган 900та ўлик дельфин кессон касаллиги туфайли ҳалок бўлган. «New York Times» газетасининг хабар беришича, касаллиқни шу атрофдан нефть топиш мақсадида қўлланилган акустик қурилма келтириб чиқарган.

Дельфинлардан ташқари худди шу жойда 1,5 мингга яқин жонсиз пеликан ҳам топишган эди. Мазкур ҳолат сабабини аниқлаш мақсадида «Orca Peru» табиатни асраш ташкилоти экспертлари ўлик дельфинлар тўқималаридан намуналар олиб, уларнинг оммавий равишда ҳалокатга учрашига сувоисти объектларини акустик нурланиш ёрдамида топиш учун қўлланилувчи сонар ва гидролокаторлар сабаб бўлапти, деган хулосага келишган.

— Ҳайвонлар акустик жароҳат оқибатида хуруж қилган кессон касаллиги туфайли ҳалок бўлган. Бу каби улкан зарар углеводородларнинг жойлашган ҳудудини аниқлаш мақсадида фойдаланиладиган сейсмик қурилма таъсирида етказилган, — деди денгиз ветеринари, «Orca Peru» президенти Карлос Яйпен-Янос.

Олимлар келтирган маълумотларга кўра, текширувдан ўтказилган 30та ҳайвон қулоғидан қон оққан, барча аъзо тўқималарида газ қўпиклари ҳамда ўпка эвфемизми аниқланган. Бу белгилар ўткир декомпрессион (кессон) касаллиқдан дарак беради. У ташқи муҳит босимининг тез ўзгариши оқибатида ички босим билан қўли қарама-қаршилик туфайли қон организм тўқималарига синган газларга аралашиб, қўпиклар кўринишида ажралиб чиқади ва барча организм тўқималаридаги ҳужайра деворларини шикаст-лайди.

Аваллари денгиз сўтэмизувчилари кессон касаллигига қарши ўзига хос иммунитетга эга деб ҳисобланар эди. Аммо олимлар кит ва дельфинлар инсонларнинг салбий ҳаракатлари туфайли, масалан, сонарларни ҳарбий синовлардан ўтказиш ёки сейсмик тадқиқотлар вақтида ҳалок бўлганини кўп маротаба кузатишган.

Аргентиналик олимлар вулқон чанги асосида қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш ва улардан кичик уйлари қуришда муваффақиятли фойдаланиш мумкин дегинишмоқда, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

Ўтган йили Чилидаги Пуйеуэ вулқонининг отилиши қўшни Аргентина учун қўпلاق ноқулайликларни вужудга келтирган эди. Бунинг оқибатида Патагониядаги бир нечта ҳудуд худди қор сингари қул билан қопланган, шаҳар бўйлаб ҳаво тўлқини тўсиб қўйилган, қишлоқ ҳўжалиги ва туризмга улкан зарар етган.

Ниҳоят аргентиналик олимлар катта миқдордаги қулни нимага сарфлаш мумкин, деган саволга жавоб топишди. Шу тариқа улардан вертикал ҳамда горизонтал бириктириш тизимида эга вулқон чангидан иборат қурилиш панеллари яратилди.

Олимларнинг айтишича, бу панеллар уйсиз одамлар учун турар жой муаммосини ҳал этишда қатор қулайликларни юзасига келтириши мумкин.

Айни пайтда мутахассислар вулқон чангини қишлоқ ҳўжалиги учун хавфли ҳисобланган зарарли ҳашаротларга қарши қўллаш устида ҳам иш олиб боришмоқда. Уларнинг фикрича, физик ва кимёвий таркибига кўра, ўта қаттиқ модда саналувчи вулқон чангидан ҳашаротларга қарши ноорганик восита сифатида фойдаланад бўлади.

В.ҚАРШИБОЕВА тайёрлади.

ВУЛҚОН ЧАНГИДАН УЙ ҚУРИШ МУМКИН

Аргентиналик олимлар вулқон чанги асосида қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш ва улардан кичик уйлари қуришда муваффақиятли фойдаланиш мумкин дегинишмоқда, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

Ўтган йили Чилидаги Пуйеуэ вулқонининг отилиши қўшни Аргентина учун қўпلاق ноқулайликларни вужудга келтирган эди. Бунинг оқибатида Патагониядаги бир нечта ҳудуд худди қор сингари қул билан қопланган, шаҳар бўйлаб ҳаво тўлқини тўсиб қўйилган, қишлоқ ҳўжалиги ва туризмга улкан зарар етган.

Ниҳоят аргентиналик олимлар катта миқдордаги қулни нимага сарфлаш мумкин, деган саволга жавоб топишди. Шу тариқа улардан вертикал ҳамда горизонтал бириктириш тизимида эга вулқон чангидан иборат қурилиш панеллари яратилди.

Олимларнинг айтишича, бу панеллар уйсиз одамлар учун турар жой муаммосини ҳал этишда қатор қулайликларни юзасига келтириши мумкин.

Айни пайтда мутахассислар вулқон чангини қишлоқ ҳўжалиги учун хавфли ҳисобланган зарарли ҳашаротларга қарши қўллаш устида ҳам иш олиб боришмоқда. Уларнинг фикрича, физик ва кимёвий таркибига кўра, ўта қаттиқ модда саналувчи вулқон чангидан ҳашаротларга қарши ноорганик восита сифатида фойдаланад бўлади.

В.ҚАРШИБОЕВА тайёрлади.

ЖУМЛАДА ЯҲОН янгиликлар о хабарлари

Британия тиббиёт ходимлари уюшмаси 21 июнь кун нафақа ёшини ошириш(68 ёш)-га қарши бир кунлик умумий норозилик ҳаракати ўтказилишини маълум қилди.

Миср қуролли кучлари Синай яриморлида бадавйлар томонидан гаровга олинган икки нафар америкалик сайёх муваффақиятли келишувлар туфайли озод этилгани ҳақида хабар берди.

Норвегия халқ саноатлиги институтининг Суд психологияси бўлими бошлиғи Йорг Меланд 2010 йилнинг 22 июлида Осло ва Утейя оролида кўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширган Андерс Брейвик жиноят содир этиш вақтида гиёҳванд модда таъсирида бўлган, дея хулоса берган.

АҚШ улгуржи омборларидаги хомашё захиралари кундалик статистикаси, шунингдек, Хитойнинг май ойи давомида саноат харидлари индекси дунё бўйича нефть нархлари тушиб бораётганидан дарак бермоқда.

Нью-Мексика штатида содир бўлган ва бир қанча ҳудудни, жумладан, Хила ўрмон қўриқхонасини вайрон қилган ёнгин АҚШ ҳудудида шу кунгача келиб чиққан ёнгинларнинг энг каттаси дея қайд этилди.

Европа кенгаши Германияни икки йил давомида телекоммуникация маълумотларини сақлашнинг умумевропа метёёрларини жорий қилмаётганликда айблаб, Европа судига арзнома билан мурожаат қилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшунослик факультети «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва халқаро ҳуқуқ» кафедраси доценти

Асадулла МАМАТКУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2-синфга иқтидорли ўқувчиларни танлов асосида ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш учун жорий йилнинг 1—31 июль кунлари қўйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

1. Мактаб директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси.
3. 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмдаги 6та фотосурат.

5. Психологик-педагогика дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома.

6. Яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан маълумотнома.

Танлов имтиҳонлари (она тилидан диктант ва ёд билган шеърини ёки матнни ифодали ўқиш, психологик-педагогик диагностика) ўзбек тилида жорий йилнинг 5—20 август кунлари оралиғида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Кодирий кўчаси, 11-уй.

Маълумот учун телефон: 244-62-86, 244-56-09.

Бразилиялик дунёга машхур ёзувчи Пауло Коэлло 1947 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида туғилган. Адабиёт оламига кира келгунига қадар турли ижодий касблар билан шуғулланган. У театрда директор ва актёр, журналист бўлиб ишлаган. Коэлло бизга танилган «Ал-кимёгар» асари 1988 йили нашр этилган. Роман энг кўп сотилган Бразилия асаридир. Адибнинг бу ва бошқа китоблари кўп бора чоп этилди ва шу пайтга қадар юз миллиондан ортиғи сотилиб кетди. Пауло Коэлло китоблари дунёнинг 67 тилига таржима қилинган. Пауло Коэлло тарбиявий аҳамиятга эга



бўлган кичик ахлоқий ҳикоялар ҳам ёзади. Улар адиб ижодининг катта қисmini ташкил этади. Бу асарлар ўқувчи маънавий оламнинг поканишига, инсон онги ва тафаккурининг юксалишига кўмаклашади. Биз, сиз — азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этаёт-

ган Пауло Коэллонинг жажжи ҳикоятларини инглиз тилидан ёш қаламкаш Вазира Мамадалиева ўзбек тилига таржима қилган. Вазира Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг араб тили гуруҳини битирган. У кичик-кичик ҳикоялар, эсселар ёзиб туради. Ҳикояларида инсон қалби, психологиясининг нозикликларини тасвирлашга, ўз ўй-кечинмаларини ҳаққоний ифодалашга интилади. Умидли қаламкаш Вазирага ижодий раёт, омадлар ёр бўлишини тилайман.

Махмуд САЪДИЙ

Пауло КОЭЛЛО

ҲИКМАТЛИ ФИҚРАЛАР

ҚАЛАМ ҲИКОЯСИ

Болакай бувисининг хат ёзишини томоша қилиб ўтираркан, оҳиста сўради:

— Бувижон, биз нималар қилганимиз ҳақида ҳикоя ёза-

апсизми? Бу ҳикоя мен ҳақимдами?

— Ҳа, мен сен ҳақингда ҳикоя ёзаяпман, бироқ қўлимдаги қалам мен ёзаётган сўзлардан кўра муҳимроқ, сен ҳам катта бўлганингда мана шу қаламга ўхшашинг-ни хоҳлайман.

Бола қизиқиш ва ҳайрат нигоҳлари билан қаламга қаради: аммо унда ҳеч қандай ўзига хосликни кўрмади.

— Бу қалам ҳам мен шу пайтгача кўрган бошқа қаламлардек оддий-ку!

— Бу сенинг атрофингдаги нарсаларга қандай қарашингга боғлиқ. Бу қаламнинг бешта ўзига хос хислати бор. Агар сен ҳам уларни ўзингда мужассам эта олсанг, ҳар доим ҳузур-ҳаловатда яшайсан.

Биринчи хислати — сен буюк ишларга қодирсан. Лекин шуни ҳеч қачон унутмагинки, ҳар қадамнинг сўзига йўл кўрсатиб турадиган Кўл мавжуд. Биз уни Худонинг Қўли деб атаймиз, фақат унинг истаги асосида ҳаракат қила оламиз.

Иккинчи хислати — вақти-вақти билан мен ёзишдан тўхтаб, қаламни ўтирлайман. Бу унга бироз озор беради, лекин ўтирилгандан сўнг яна ҳам яхшироқ ёзади. Сен ҳам бу каби оғриқ ва азобларга сабрли, матонатли бўлишни ўрганишинг керак. Бу сенинг яхши инсон бўлишингда ёрдам беради.

Учинчи хислати эса, қалам доим йўл қўйилган хатоларни ўчиргинда тўғрилашимизга имкон беради. Хатони тушуниб, уни тўғрилашинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Аксинча, бу бизнинг тўғри йўлдан адашмаслигимизни таъмин этади.

Тўртинчи хислати — бу қалам оғочдан бўлса ҳам, асосий ишни унинг ичидаги қора тош бажаради. Шу боис сен ҳам ҳар доим қалбингга қулоқ сол.

Ниҳоят, охириги — бешинчи хислат: у ҳаммага ўзидан из қолдиради. Сен билгани ки, ҳаётингда қилган ҳар бир ишинг беиз кетмайди. Шунинг учун ҳар доим ҳаётда ҳар бир қадамнинг яхшилаб ўйлаб, тушунган ҳолда қўйишинг лозим.

БАЛКИ, УНУТГАНДИРСИЗ!

Сцеста монастиридаги аббат Лукас ваъз айтиш учун барча монахларни бир жойга йиғибди.

— Сиз буни билмаслигингиз мумкин... — деди у монахларга.

— Нимани назарда тутаяпсиз? — деди сўради монахлардан бири. — Биз зарур бўлганда ким учундир ўнак бўла оламизми?

— Авваллари ҳеч ким оддий одамларни ажратмаган, — жавоб берибди аббат. — Ҳамма ҳеч бир эътирозларсиз эл қатори ўз бурчини бажарган, ўзини бошқалардан устун қўйма-

ган, улар кўни-қўшларини, бир-бирларини севиб-ардоқлаганлар, чунки буни ҳаётнинг ажралмас бир қисми деб тушунишган; табиат қонунларига мос деб ўйлашган. Улар бор-йўқларини ҳаётнинг сўнгги дамларига қадар йиғиб юрмасдан, бирга баҳам кўришган; олди-берди масалаларида бир-бирларини айбла-масдан, бир-бирларига талаблар қўймасдан тинч-тотув яшашган.

Шу боис улар ҳақидаги ҳақиқатлар, ҳеч қандай ҳикоялар сақланиб қолмаган ва бизгача етиб келмаган.

БИЗ НИМАЛАРГА ЭГАМИЗ?

Донишманд Акбар қишлоғига етиб келганда одамлар унга сира аҳамият беришмади. У ҳам ўспирин-ёшлардан бошқа ҳеч кимга эътибор бермас ва қизиқмасди. Бу — қишлоқда яшовчи аҳолининг пичинг ва кесатикларига сабаб бўлди.

Кунларнинг бирида у шо-

гирдлари билан асосий кўча-ни сайр қилиб юрганида бир гуруҳ эркак-аёл уни ҳақорат қила бошлади. Донишманд улар ёнига борди-да, дуо қила кетди.

Эркак аёллар жўнаб кетганидан кейин шогирдларидан бири сўради:

— Улар сизни ҳақорат

қилиб, ҳар хил бўлмағур гаплар гапиришадиган эди-ку, сиз бўлсангиз, уларга бахт тилаб, яхши сўзлар билан жавоб қайтардингиз?!

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳар биримиз фақат ўзимизда борингизга бера оламиз.

НИМА ТЎҒРИ ЭКАНЛИГИНИ БИЛАМАН

Далада эшакни кўриб қолганда деҳқон уйига қайтаётган эди.

— Мен оддий эшак эмасман, — тилга кирди жонивор. — Мен Исо Масихнинг туғилишига шохид бўлганман. Бу ҳақда гувоҳлик бериш учун икки юз йилдан бери яшаб келаяпман.

Ваҳимага тушган деҳқон ибодатхона томон югурди ва бўлган воқеани руҳонийга сўзлаб берди.

— Бўлиши мумкин эмас, — деди руҳоний.

Деҳқон руҳонийни қўлтиқлаганча эшакнинг ёнига олиб борди. Жонивор айтганларини яна такрорлади.

— Яна қайтараман, ҳайвонлар гапирмайди, — деди руҳоний.

— Лекин буни ўзингиз кўриб турибсиз-ку, — деди ўсмоқчилад деҳқон.

— Бунчалик аҳмоқ бўлмасанг? Сен руҳонийнинг гапига эмас, эшакнинг гапига ишонасанми!

Болалик пайтида Абин Алсар отаси ва дарвешнинг суҳбатини эшитиб қолганди.

— Ҳар бир қилаётган ишингда эҳтиёт бўл, — деди дарвеш. — Келажак авлод сен ҳақингда нима дейишни ўйлаб кўргин.

— Нима бўпти? — жавоб берди Абиннинг отаси. — Мен вафот этганимдан сўнг ҳаммаси тугайди ва барча гаплар аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Абин Алсар бу суҳбатни ҳеч қачон ёдидан

УЛАР СЕН ҲАҚИНГДА НИМА ДЕЙДИ?

чиқармади. Бутун умри давомида яхшилик қилишга, одамларга ёрдам беришга ва ҳар бир ишни ишתיёқ билан бажаришга тиришди; у бошқаларга ғамхўрлиги билан шўхрат қозонди. Вафот этгунига қадар у ўзидан она шаҳрида одамлар турмушини яхшилаш учун керак бўладиган қўллаб-нарсалар қолдирди.

Вафотидан кейин қабр тошига қуйидаги сўзлар ўйиб битилишини васият қилди:

«Ўлим билангина тугайдиган умр — бекор ўтган умрdir».

Фойдали бирор иш қилишим керак!

Жони узилаётган пайтда Хуан ўзининг ҳали ҳечам орзу қилмаган даражадаги гўзал ва ҳамма қўлайликларга эга бўлган жуда чиройли жойда эканлигини ҳис қилди. Оппок либосдаги бир одам унга яқинлашди:

— Сенда хоҳлаганингни танлаш имконияти бор: маза-ли таомлар, кайф-сафо ёки вақтичоллик, — деди у.

Ҳайратланган Хуан бутун умри давомида ўзи хоҳлаган ҳар бир ишни қилиб кўрган. Фақат кайфу

сафо, ўйин-кулги билан ўтган анча йиллардан кейин у оқ кийимли одамга дуч келганди:

— Мен бу нарсаларни аллақачон бажариб, мазасини татиб кўрганман. Энди эса, менга ўзимни фойдали ҳис қилишим учун бирор-бир иш керак.

— Минг афсус, — деди оқ кийимдаги одам.

Аммо, бу — мен сен учун бажо келтира олмайдиган ягона нарсасидир: бу ерда ҳеч қандай иш йўқ.

— Қанчалар даҳшатли! — деди ғазабланган Хуан. — Нима, мен мангуликни зерикшидан адоий тамом бўлиб ўтказаманми! Ундан кўра минг марта дўзахда куйганим афзал!

Оппок либосдаги зот унга яқин келиб паст овозда деди:

— Шу пайтга қадар сен ўзингни қаердаман деб ўйлаган эдинг?

Va'da

Ҳикоятларини инглиз тилидан ёш қаламкаш Вазира Мамадалиева ўзбек тилига таржима қилган.

Вазира Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг араб тили гуруҳини битирган. У кичик-кичик ҳикоялар, эсселар ёзиб туради. Ҳикояларида инсон қалби, психологиясининг нозикликларини тасвирлашга, ўз ўй-кечинмаларини ҳаққоний ифодалашга интилади.

Умидли қаламкаш Вазирага ижодий раёт, омадлар ёр бўлишини тилайман.

Махмуд САЪДИЙ

ИККИ БАРАВАР ҚИММАТ

Қишлоққа туя сотиш учун савдогарлар келганди, жаноҳ Ҳузепдан бошқа деярли ҳамма биттадан туя сотиб олди.

Бир неча кун ўтгач, қишлоққа яна бир гуруҳ туяжаллоб келди. Уларнинг туялари жуда ажойиб, бироқ нархлари анча қиммат эди. Ҳузеп туялардан бир нечасини харид қилди.

— Нега ўтган сафар туялар анча арзон бўлганда харид қилмай, энди уларни икки баравар қимматига сотиб олдинг? — деб қойишди уни дўстлари.

— Сизлар арзон деган туялар мен учун қимматлик қиларди, чунки ўша пайтда пулим жуда оз эди, — деб жавоб берди Ҳузеп. — Бу туялар қиммат бўлиши мумкин, лекин мен учун улар арзон. Чунки ҳозир менда туя сотиб олишга етарли пул бор!

НЕГА ЙИҒЛАЯПСИЗ?

Бир одам ҳоҳлатманд бўлиб дўстининг эшигини тақиллатиб келди:

— Менинг бўйнимда зудлик билан тўлашим керак бўлган қарзим бор. Сендан тўрт минг динор сўраб келдим.

Дўсти аёлига уйидаги барча қимматбаҳо буюмларни йиғиб чиқишни буюрди. Лекин шунда ҳам етарли миқдордаги пул йиғилмади. Улар кўчага чиқиб кетишди. Қўшнилардан қарз олиб, зарур пулни тўплаб бериб юборишди.

Ҳалиги одам кетгач, аёл эрининг йиғлаб ўтирганини сезиб қолди.

— Нега ҳафасиз? Энди ўзимиз ҳам қўшнилардан қарздор бўлиб қолдик, уни қайтара олмаймиз деб хавотирга тушяпсизми?

— Хавотирланадиган ери йўқ! Кўзёш тўкаётганимнинг сабаби — у энг яқин одамин. Бироқ унинг муҳтожликда эканлигиндан хабарини ҳам йўқ! У қарз сўраб ўзи эшигини тақиллатиб келганидагина буни билдим.

Инглизчадан

Вазира МАМАДАЛИЕВА таржимаси.


НАВОИЙДАН ХОРАЗМГА

Навоий вилоятида бўлиб ўтган «Умид нихоллари — 2012» спорт ўйинларида хоразмлик ёш спортчилар ҳам фаол катнашиб, мусобақаларда ўз имкониятларини тўла намойён этишга интилишди. Улар қўлга киритган олтин, кумуш ва бронза медаллари вилоят ахлининг дастлабки қувончига сабаб бўлган бўлса, навбатдаги «Умид нихоллари» спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш Хоразм вилоятига топширилганлиги навбатдаги қувончли воқеа бўлди.

Навоий вилоятидаги мурасасиз беллашувларда катнашиб, ўз уйларига қайтган ўқувчилар жойларда илиқ кутиб олинди. Уларнинг орасида ўз сайёҳаракатлари билан эътиборга тушган янгил-қизиларимиз талайгина. Хусусан, Янгияриқ туманидаги 8-мактабининг 9-синф ўқувчиси Азамат Матёкубов кураш бўйича 55 килограмм вазн тоифасида олтин медаль билан тақдирланди.

— Спортчилар оиласида улғайган Азаматнинг келажакда порлок, — дейди унинг устози, Янгияриқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Қудрат Жуманиёзов шогирди эришган натижадан мамнун бўлиб. — Юсак салоҳиятли ёшлари-

ҳам медаллар, ҳам мезбонлик эстафетаси билан



миз сафи кундан-кун кўпайиб, маҳорати ошиб бораётганига «Умид нихоллари» беллашувларида ҳам гувоҳ бўлдик. Азамат кураш сирларини кунт билан ўрганишда давом этса, тириш-қоқлик, меҳнатсеварлик хислатларини шакллантириб, Ўзбекистон байрогини халқаро майдонларда ҳам олға кўтаришга ишонаман.

Хоразмлик соvrиндор ўқувчилар орасида энгил атлетикачиларнинг улуши ҳам сезиларли даражада бўлди. Шовот туманидаги 29-мактабдан бир йўла уч нафар ўқувчининг бронза медали билан мукофотлангани сўзимизни тасдиқлайди. Шунингдек, мазкур тумандаги 1-мактабдан икки нафар қат-

нашчи: 9-синф ўқувчиси Нодирбек Наримонова энгил атлетика бўйича кумуш, Сабоҳат Жумабоева эса бронза медалга эришгани туманда «Умид нихоллари» спорт ўйинларига жиддий тараддуд қўрилганидан дарак беради.

Хазорасп туманидаги 5-мактабининг 4-синф ўқувчиси Нодирбек Якуббоев шахмат борасидаги ноёб иқтидори эвазига шахсий кўрсаткичда бронза медали билан тақдирланди. 2015 йилгача у янада кўпроқ тажриба ва маҳоратга эга бўлишни инobatта олсак, Нодирбекнинг Хоразмдаги беллашувларда юсак натижаларини кўрсатишига умид қилиш мумкин...

— Навбатдаги «Умид нихоллари» му-

собақалари эстафетасини қабул қилиб олдиқ. Яна уч йилдан сўнг вилоятимизда бўлиб ўтадиган мусобақаларга ҳозирданок тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раиси Комилжон Иброҳимов. — Бундан 9 йил илгари Хоразмда кечган мусобақалар баҳонасида воҳамизда катта қўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилганди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида янгидан-янги спорт объектлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилганди. Жумладан, жамғарма маблаглари ҳисобидан 49та умумий ўрта таълим мактабида янги спорт зали қурилди. Хонқа, Боғот, Хива туманларида учта спорт майдончаси бунёд этилди. Вилоят бўйича 17та спорт иншооти реконструкция қилинди. Урганч шаҳрида янги сузиш ҳавзаси қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Жами 80та спорт объектида қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бажарилди. 10та спорт иншооти намунавий лойиҳалар асосида кад ростлади. Мазкур спорт объектларини жиҳозлаш учун 1 млрд. 746 млн. 200 минг сўмлик маблаг эвазига замонавий ускуналар келтирилди. Навбатдаги спорт байрами арафасида яна қўллаб спорт иншоотлари барпо этилиши кўзда тутилган.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

СПОРТЧИ ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Тўрт мучаси саломат, соғлом она соғлом болани дунёга келтиради. Соғлом авлод эса, шубҳасиз, халқимизнинг, давлатимизнинг бебаҳо бойлиги. Мамлакатимизда аёллар, айниқса, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ирода ва матонатини тоблашга хизмат қилувчи спорт ҳамда жисмоний тарбияни кенг омаллаштиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароит натижа-сида бугун мунтазам шуғулланувчи хотин-қизлар сони тобора ортиб бораёпти.

Мазкур эзгу сайёҳаракатлар ўз самарасини бераёпти. Хусусан, аёлларимизнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 75 ёшгача кўтарилганини фахр-ифтихор, шукроналик билан эътироф этиш лозим. Бугун ҳар бир соҳада обод диёримизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшаётган миллионлаб аёлларимизни бирлаштириб, уларнинг дарду қувончига шерик бўлаётган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар кўп жиҳатдан аҳамиятлидир.

Кўмитанинг хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда аёллар спортини ривожлантиришдаги фаолияти хусусида ташкилот мутахассиси Раъно ТўРАЕВА билан суҳбатлашдик.

— Аёл — оила сариштаси, жамият гултожи. Аёл табиятан муносиқ, нафислик, гўзаллик тимсоли саналади. Оналарга эътибор — ёш авлодга қаратилган эътибор аслида. Шу боис, юртимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамловчи энг қудратли восита — спортни ривожлантириш ва аёл мураббийлар сонини кўпайтириш, уларни рағбатлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Бу борада, айниқса, қишлоқ жойларида бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида шаҳару қишлоқларимизда перинатал ва скрининг марказлари, уч мингдан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари очилганини таъкидлаш ўринли. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган шифохоналар ва шошилинч tibбий тез ёрдам хизмати республикамиз аҳолиси, жумладан, хотин-қизлар саломатлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

— Юртимизда аёллар, айниқса, мактаб ёшдаги қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия билан боғлиқ кўникмаларини шакллантиришда спортнинг ўрни беқийс.

— Дарҳақиқат, ўсиб кела-

объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида хотин-қизлар спортини ривожлантириш бўйича қўшимча квоталар ажратилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Чиндан ҳам ҳар бир соҳада устоз ва мураббийларнинг қимматли маслаҳатлари шогирдларнинг моҳир уста бўлиб етишишига хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган бир қанча

нинг ўқитувчи-мураббийлари таркибини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Ҳозир бундай мактаблардаги аёл мураббийлар сони 2 499 нафарга етди.

— Спорт маънавий ва жисмоний тарбиямизни шакллантирса, мусобақалар ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатларнинг ўрна-тилишига асос бўлади. Шу ўринда аёлларимиз ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, мастер-классларнинг ўрни нечоғли аҳамиятга эга?

— Ҳақиқатдан ҳам, аҳоли орасида спортни тарғиб этиш, унга қизиқувчи ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, рағбатлантиришда мусобақаларнинг ўрни муҳим.

Бир неча йилдан буён ҳудудий ҳокимликлар ҳамда турли ташкилотларнинг бевосита иштироки ва ҳамкорлиги билан «Аёллар спорт фестивали», вази-лик ва идораларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида «Соғлом аёл — соғлом жамият» ҳамда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остида мусобақалар анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

2011 йили ўтказилган биргина «Аёллар спорт фестивали» мусобақаларининг туман (шаҳар), вилоят босқичларида жами 75 800 нафар хотин-қиз белгиланган спорт турлари бўйича ғолиблик учун мусобақалашди. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 44,2 фоизга ошган.

Ўтган йили республикамиз бўйича 4 мингдан зиёд спорт тадбири ўтказилган бўлиб, уларнинг қарийб 3 мингтаси қишлоқ жойларда ташкиллаш-тирилди. Бу мусобақаларда 1,4 миллион нафар хотин-қиз куч синашди.

— Маълумки, Хотин-қиз-

лар кўмитаси республикамиздаги иқтидорли, фаол қизларни кашф этиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, кенг жамоатчи-ликка танитишда ўз тажрибасига эга. Шу мақсадда ташкил этилган «Иқтидорли қизлар» гуруҳи аъзоларининг спортга қизиқиши қай даражада? Улар спортга энди кириб келаётган қизларга қанчалик ўрناк бўлишмоқда?

— Кўмитамиз қошидаги «Иқтидорли қизлар» гуруҳига бутун республикамиздан истеъдодли ёшлар жалланган. Улар фан, таълим, маданият ва спорт йўналишларида иқтидорга эга қизлар. Эътиборли-си, 2010-2011 ўқув йилида «Иқтидорли қизлар» гуруҳи захирасининг 33 фоизини (126 нафар) спорт бўйича республика ва халқаро мусобақаларда ютуқларни қўлга киритган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизлар ташкил этди.

Қолаверса, гуруҳ аъзолари, Зулфия номидаги давлат мукофоти соvrиндорларининг 17 нафари халқаро ва республика турнирларида юсак ғалабаларни қўлга киритган спортчи қизлардир.

Шунингдек, Зулфия номидаги давлат мукофотининг бу йилги танловида ҳам республика босқичида иштирок этган 235 нафар қизнинг 35таси бадий гимнастика, карате, шахмат, академик эшак эшиш ҳамда тазқандон бўйича турли халқаро ва мамлакат биринчиликларида муносиб иштирок этган қизлар. Уларнинг 20 нафари Осиё ва Ўзбекистон чемпиони деган юсак шарафга сазовор бўлгани, деярли 80 фоизи спорт устаси ва халқаро тоифадаги спорт устаси номини қўлга киритгани ҳам диққатга сазовордир.

Ёшларнинг спортга бўлган иштиёқини янада кучайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамиз бўйича спортсевар қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топширилгани ҳам қизларимизни спортни севиш-га ундагани ҳақиқат.

Шаҳина ЖўРАЕВА
суҳбатлашди.

Xotin-qizlar sporti

олимпия захиралари коллежлари ва олий ўқув юртлири мавжуд. Бу даргоҳларда таҳсил олган, тажриба тўплаган мураббийларни, жумладан,



аёл мураббийларни шаҳару қишлоқларимиздаги мактабларга, спорт тўғрақларига жалб қилиш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари ижобий ҳал қилинмоқда. Масалан, 2011 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича 226 нафар қиз битириб, республикамизнинг барча вилоятларига иш-лаш учун юборилди.

Шу жумладан, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари-



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



*Сизга тақдим этилаётган буюк ва таниқли шоир-ёзувчиларнинг
бебаҳо дурдоналаридан бебаҳра қолманг!*

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29, 241-35-47. Моб.: (+99897) 760-06-81. Web-сайтими: www.iptdgulom.uz E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Ma'rifat


**TA'SIS
ETUYCHILAR:**

*O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPZANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.



INDEKS: 149, 150. T-618.
Tiraji 49463.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oila va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
G'olib BAHROMOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

**«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.**

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни — 21.20
Topshirildi — 22.25